VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

34 (303) ● 2014 йил 3 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Шаҳидлар хотирасини ёд этмоқ, мозийга ҳақиқат кўзи билан боқиш, миллий тарихимиз, аждодларимиз, қолаверса, келажак авлод олдидаги инсоний бурчимиздир



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Ўзбекистон мустақиллиги халқимизнинг XX аср адоғида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Ўтган қисқа, лекин сермазмун йўлга назар ташлаганимизда кўз қувонади, дил яйрайди



6 ЖАРАЁН

Ҳозир юртимизда «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари сони 21 минг нафардан ошди. Нуротада ҳам мазкур уюшманинг 44 нафар аъзоси бўлиб, улар ҳунармандчиликнинг 5 тури бўйича фаолият олиб боришмоқда



8 КЎЗГУ




## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Анжуман





## Аёллари эъзоз топган юрт

**ЎзМТДП томонидан ўтказилган хотин-қизлар анжумани энг улуғ, энг азиз байрамга бағишланди**

***Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 23 йиллигини халқимиз катта тантана, кўтаринки кайфият, ғурур ва ифтихор туйғулари билан кутиб олди. Байрам муносабати билан юртимизнинг шаҳару қишлоқларида турли тадбирлар, анжуман ва маърифий кечалар ўтказилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Фаол аёллар — жамиятимиз таянчи" мавзусидаги хотин-қизлар анжумани ҳам мустақиллик айёмига бағишланди.***

Анжуманда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Фарғона вилоят Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Қўқон шаҳрининг минг нафардан зиёд ЎзМТДП ғояларига хайриҳоҳ фуқаролари иштирок этди.

Хотин-қизлар анжумани халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси намойиши билан бошланди. Тадбир иштирокчилари Истиқлол боғида ташкил этилган миллий ҳунармандчилик, халқ амалий санъати намуналари, миллий либослар кўргазмаси билан яқиндан танишдилар.

Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, мамлакатни модернизация қилиш, ислоҳотлар ва ўзгаришларни янада чуқурлаштириш жараёнида хотин-қизларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани алоҳида эътироф этилди.





2-бет

Муносабат

## Юксак маънавиятли халқ — енгилмас куч

**ғояси саъй-ҳаракатларимизнинг бош омилига айланиши лозим**

*Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини тинглаб, ҳар бир юртдошимизнинг қалбида фахр, ғурур, ватанпарварлик туйғулари жўш урди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, биз қўлга киритган ютуқлар - миллий давлатчилик қурилиши, кенг кўламли замонавий ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизда эришилган барқарор ўсиш суръатлари, аҳолининг турмуш даражаси ва сифати юксалаётгани, юртимиз қиёфаси тобора ўзгариб, чирой очиб бораётгани халқаро майдонда муносиб тан олинаётгани, обрў-эътиборимиз ошаётгани барчамизга катта ифтихор бағишлайди.*

Мустақиллик инъом этган имкониятлар туфайли халқимиз фидокорона меҳнати билан ўзининг буюк келажагини қурмоқда, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда салмоқли натижаларга эришди. Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич, изчил ривожланиб, фуқаролар онгида демократик қадриятлар тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Таъкидланганидек, дунёдаги нотинчлик, яқин ва узоқ атрофимизда экстремизм ва терроризм, қарама-қаршилик, қон тўкилиши, хавф-хатарлар ортиб бораётгани барчамизни хавотир ва ташвишга солиши табиийдир. Шу ўринда Президентимизнинг Ўзбекистоннинг позицияси бундай ҳолатлар, кескин зиддият ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида муҳрлаб қўйилган асосий принципларга ва халқаро нормаларга риоя қилган ҳолда, давлатларнинг суверенитети ва чегараларнинг дахлсизлигини бузишга, зўравонлик ва куч ишлатишга йўл қўймасликдан иборат, деган фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

2-бет

Электорат минбари

## Боқий қадриятларни улуғлаш

**ўтмишга ҳурмат ва келажакка ишонч демакдир**

***Истиқлол туфайли асл қадриятларимиз, урф-одатларимиз улуғланди, олтин меросимиз саналган халқимизнинг бой маданий мероси — осори-атиқалар, зиёратгоҳ, муқаддас қадамжоларимизга бўлган эътибор янада кучайди. Муҳими, айнан мустақиллик йилларида дунёга машҳур алломаларимизу, авлиёларимизнинг шаъни, қадр-қиммати қайта тикланди, уларнинг мўътабар зиёратгоҳлари обод этилди.***

Ҳудудимизнинг муқаддас қадамжоларини ободонлаштириш ва қайта тиклаш каби хайрли ишларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам яқиндан кўмаклашмоқда. Муштарак мақсад ва юрт тараққиёти йўлидаги изчил фаолият бизни бу партия билан яқинлаштирди. Гарчи, партия аъзоси бўлмасам-да, партиянинг сайловолди Платформаси билан яқиндан танишиб, юрт тараққиёти йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, йигит-қизларимизда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларга ҳурмат ҳиссини юксалтиришга кўмаклашиш партиянинг устувор вазифаларидан бири эканлигини англадим. Партиянинг "Ёшлар қаноти" томонидан ўтказиб келинаётган қатор тадбирлар, форум ва акциялар эртамиз эгаларини нафақат ҳар томонлама комил, билимдон, сиёсий етук ёшлар сафидан ўрин олишида, балки халқимизнинг бой маънавий ва маданий меросларини асраб-авайланишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида маданий-тарихий ёдгорликларини асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш, ёш авлодни миллий-маънавий-тарихий қадриятларга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг билимдони қилиб тарбиялашга кўмаклашиш долзарб вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан, жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларда мазкур соҳага янада жиддий эътибор қаратилиб, партиянинг янги сайловолди Платформасида халқимизнинг қадимий тарихига гувоҳ, асрлар силсиласидан бизни воқиф этувчи тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларга бўлган эътиборни янада кўчайтириш масаласи бирламчи вазифа сифатида белгиланиши тарафдориман.

**Рамазон ЭГАМОВ,**
**Навоий вилоят тарихий ўлкашунослик музейи директори**

Интервью

## БУ ГАЛГИ САЙЛОВЛАР

**ҳам демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги юксак мақсадларимизга ҳамоҳанг тарзда ўтказилади**

4-бет




Ташаббус ва натижа

***Мамлакатимиз маданий-тарихий ёдгорликларини кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларида алоҳида белгилаб қўйилган. Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясига ЎзМТДП гуруҳи томонидан киритилган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги масала ана шундай эзгу ишларнинг амалий ифодасидир.***

## Маданий мерос объектларига эътибор

**масаласи халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи томонидан сессия кун тартибига олиб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди**

4-бет



**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**

**Нашр кўрсаткичи — 158**



Муносабат

# Юксак маънавиятли халқ — енгилмас куч

## Ғояси саъй-ҳаракатларимизнинг бош омилига айланиши лозим

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Дунёда ижтимоий-сиёсий соҳаларда чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, глобал иқтисодий-ижтимоий инқироз ҳамон давом этаётган бугунги кунда халқимизнинг бор куч-ғайрати ва имкониятларини миллий бирдамлик, жипслик ва ватанпарварлик билан мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтириш долзарб аҳамият касб этади.

Юртга муҳаббат, тарихий ўтмишни унутмаслик, буюк аждодлар меросидан фахрланиш, мамлакатнинг бугуни ва келажаги ҳақида қайғуриш, авлодлар учун фаровон Ватанни асраб-авайлаш каби қадриятлар партиямиз дастурий ғояларининг асосини ташкил этади. Зеро, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчлик-хотиржамликни сақлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш биз учун энг олий мақсаддир.

**Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси раҳбари**

* * *

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини тинглаб, партиямиз ва унинг парламентдаги фракцияси олдида турган сиёсий соҳадаги муҳим вазифалардан бири — бу истиқлол йилларида бошланган ва давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ўзлигимизни чуқур англаш, миллий истиқлол ғоясини ривожлантириш каби олижаноб вазифани изчил, босқичма-босқич ва тизимли амалга оширишга қаратилган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга кўмаклашишдан иборат эканига яна бир бор амин бўлдик. Зеро, Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритгандан буён амалга ошираётган демократик мустақил ривожланиш ва мамлакатни тизимли модернизациялаш йўли миллий-маънавий қадриятларга асосланган бўлиб, фуқароларимизнинг манфаатларига хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айнан мустақиллик халқимизга эркинлик ва озод ҳаёт ҳадя қилди, ўзлигимиз, шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимиз, тилимиз, муқаддас динимиз, қадрият ва урф-одатларимиз қайта тикланишига имкон яратди. Алоҳида ғурур ва ифтихор билан айтиш керакки, мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тез суръатлар билан ўсиб, ҳатто жаҳон молиявий инқирози даврида ҳам иқтисодиётимизнинг йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан пасайгани йўқ. Бу, энг аввало, аҳоли фаровонлиги, уларнинг ҳаёт даражаси ўсиши, шунингдек, мамлакатимизнинг тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олишига замин бўлмоқда. Жумладан, одамларнинг жон бошига оладиган даромадлари 8,7 баробар кўпайгани халқимизнинг тўкис ҳаёт кечираётганидан, орзу-интилишлари ва истакларини амалга ошириш имкониятлари ортиб бораётганидан дарак беради. Ана шундай улкан суръатлар билан илгарилаб бораётган гўзал юртда умргузаронлик қилиш, ўзимиз орзу қилгандай ҳаёт қуриш ҳар бир ватандошимизга фахр-ифтихор улашмай қолмайди.

Мухтасар айтганда, барчамиз фуқаролик масъулиятини юксалтириш, Ватан тақдири ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш бўйича жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бўйича изчил ва тизимли фаолият олиб боришимиз даркор. Тинчлик ва осойишталик каби эзгу фикр, эзгу интилишларни барча-барча юртдошларимизнинг қалбига, онгу шуурига сингдириш олдимизда турган улкан вазифадир.

**Жуманазар ОТАЖОНОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

* * *

Халқимиз она юртимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамини катта шоду хуррамлик билан нишонламоқда. Бу хуррамлик истиқлолдан, у халқимизга берган эркинлик ва озод ҳаётдан, тикланган инсоний шаънимиз, ўзлигимиз, қадр-қимматимиздандир. Бу доруломон кунлар ўз-ўзидан келмади, ўз-ўзидан бўлмади.

Мустақиллик йилларида ўз тақдирини ўз қўлига олган миллатимизнинг беқиёс моддий ва маънавий салоҳияти юзага чиқди. Шунинг учун биз бугун бир-биримизга "Ким эдигу, ким бўлдик" деган саволни ғурур билан айтмоқдамиз. Ким эдик, деганда бир хўрсиниб олсак, Ким бўлдик деганда мағрур тутаяпмиз ўзни.

Президентимизнинг табрик сўзида баён қилинган фундаментал бир қараш диққат-эътиборимизни ўзига тортиши шубҳасиз. Бу ҳам бўлса, унда "енгилмас куч"нинг манбаи очиб берилгани бўлди. Яъни енгилмас куч — юксак маънавиятли халқимиздир. Халқимиз тилдан қўймай, фахр билан айтиб келаётган бир ифтихорли фикр такрор айтилди: моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки бироз орқададирмиз. Лекин, маънавият соҳасида биз анча олдиндамиз. Ҳеч шубҳасиз, моддий нуқтаи назардан ҳам бойлик бизники бўлади. Чунки юксак маънавиятли халқни енгиб бўлмайди.

Президентимиз табригида олам аҳлининг ғам-ташвиши, тинчлигини асраш, ҳимоялашга нисбатан ҳам даъват айтилди. Жумладан, бизга яқин ва узоқ ерларда экстремизм ва терроризм, қарама-қаршиликлар кўпайиб, қон тўкилаётгани, вазият эса тобора кескинлашиб бораётганидан огоҳликка даъват янгради. Жаҳон ҳамжамиятига: "Бундай ўта нотинч, таҳликали шароитда энг муҳим масала — бу ҳам бўлса, қаерда, дунёнинг қайси чеккасида бўлмасин, энди бошланаётган қарама-қаршилик ва пайдо бўлаётган можароларни эътиборсиз қолдирмаслик, улар урушга айланиб кетишининг олдини олиш учун вазият доимо жаҳон ҳамжамияти назоратида бўлиши даркор"лиги эслатилди. Синчиклаб қарасангиз, қаерда маънавиятга эътибор йўқолса, ўша ерда нотинчлик, можаролар, қарама-қаршиликлар пайдо бўлишининг тасдиғини кўриш мумкин. Бундай вазиятда бизларни шунча йиллар соғ-омон сақлаб келаётган уч фазилат — огоҳлик, ҳушёрлик ва сезгирликни янада оширишимиз тақозо этилмоқда.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омили сифатида таъкидланди. Одамларнинг ўзлигини чуқур англаши, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушуниши, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғунишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши зарурлиги белгилаб берилди. Шундай қилиб, юксак маънавият ва маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манфаатларини уйғун кўра оладиган янги авлод тарбияси ўз меваларини бериб, оламни ҳайратга сола бошлади.

Албатта, бу юксак натижаларга Президентимизнинг маънавият соҳасига кўрсатиб келаётган доимий эътибор ва ғамхўрликлари боис эришилмоқда. Ҳар йили соҳанинг бир неча вакиллари давлатимизнинг мукофотлари билан тақдирланиб келинмоқда. Уларнинг аксарияти миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар билан бевосита шуғулланувчи партиямиз электорати - зиёлилар, ўқитувчи ва мураббийлар эканлиги бизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**
**Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси**

* * *

Бу ёруғ оламда инсон учун ато этилган неъматларнинг хили кўп. Аммо мустақилликдай ноёб бойлик, азиз неъмат йўқ. Халқимизнинг узоқ йиллик қарамликдан кейинги эришган озодлиги, мустақиллиги бунга мисол бўла олади.

23 йил тарих учун у қадар катта давр эмас. Аммо шу муддат ичида Ўзбекистон халқи ҳаётида шу қадар катта ўзгаришлар, юксалишлар рўй бердики, "ким эдигу ким бўлдик?" деган саволга жавоб беришда бу юксалишлар салмоғини ҳис қилдик. Бир пайтлар хорижга бориб, "Биз Ўзбекистонданмиз" деганимизда елка қисиб, у қандай юрт эканини билмаган олам аҳли бугун мустақил Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдириб, дарвоза қоқиб келаётгани ҳам сир эмас.

Куни кеча, байрам арафасида Андижонга, аниқроғи Шаҳрихон туманига ташриф буюрган Кореялик тадбиркорлар билан турли ҳамкорлик шартномалари тузиш жараёнида иштирок этдим. Меҳмонлар иқтисодий ҳамкорлик шартномаларига имзо чекар эканлар, юртимизнинг тадбиркорликдаги имкониятларига юқори баҳо бериб, шаҳрихонлик тадбиркорларни Кореяга таклиф қилдилар. Бундан бир неча ой аввал япониялик тадбиркорлар ҳам худди шундай ҳамкорлик тузиш учун келган эди. Улар Тошкент, Самарқанд, Андижон шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилишганида юртимиздаги улкан юксалишлардан ҳайратланиб, "Ўзбекистон чиндан ҳам келажаги буюк экан. Чунки бу мамлакатдаги ер ости ва ер усти бойликларининг кўплиги, халқининг меҳнаткашлиги, меҳмондўстлиги, бунинг исботи", дея катта имкониятларга эга бўлган юртимиз билан дўстлашаётганидан бахтиёр эканини ҳам изҳор этган эди.

Кейинги йилларда бундай ҳамкорлар дунёнинг ҳар бир мамлакатидан ташриф буюраётгани сир эмас. Бугунги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси иқтисодиётимизнинг маҳаллий ишлаб чиқариш йўналишига дастурий мақсад ва вазифаларининг устувор омили сифатида алоҳида аҳамият қаратиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва оилавий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга интилмоқда. Ўйлаб қаралса, бу халқимизнинг юксак салоҳиятини намоён этувчи соҳа. Чунки, ўзимиздаги хом ашёдан ўз меҳнатимиз билан маҳсулот яратиб, четга экспорт қилишга интилишимиз ҳақиқий тадбиркорликнинг кўринишидир. Зеро, биз аждодларининг суяги тадбиркорлик ва ҳунармандчилик билан қотган халқмиз.

Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг қарор топиши ҳам мустақилликнинг энг катта имкониятидир. Демак, сиёсий партияларнинг таъсирчан фаолиятлари ҳам мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши табиий. Бу фаолият қутлуғ байрам муносабати билан, шунингдек, жорий сайловлар йилида янги босқичга кўтарилиши шубҳасиз. Менинг назаримда, Президентимиз томонидан тавсия этилган "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним" деган байрам шиори ҳар биримизнинг кўнглимиз, истагимиз, фаолиятимизнинг мазмунига айланмоғи лозим.

**Комилжон ОТАХОНОВ,**
**ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси**

* * *

Ўзлигимизни, миллий қадриятларимизни, шону-шуҳратимизни, тилимизу, динимизни бизга қайта ҳадя этган бу қутлуғ санани Навоий вилояти аҳли ҳам кўтаринки руҳда кутиб олди. Юртнинг муборак тўйи вилоятнинг барча шаҳару-қишлоқларида, маҳаллаларда, хонадонларда шоду-хуррамлик билан нишонланмоқда. Байрам шукуҳи дилларимизни фараҳбахш қилган айни лаҳзаларда кўнглимизда шу муқаддас заминга бўлган чексиз меҳр, фидоий, заҳматкаш халқимизга бўлган чуқур эҳтиромни ҳис қиламиз.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ёш авлод камолоти йўлида улуғвор ва салмоқли ишлар амалга оширилди. Келажагимиз давомчилари бўлган ёшларимизнинг жамиятда муносиб ўрин топиши, соғлом ва комил инсонлар бўлиб вояга етиши учун улкан имкониятлар яратилди. Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида ҳаётга тадбиқ этилган "ўзбек таълим модели" ва унинг таркибий қисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олиб борилган кенг қамровли ислоҳотлар давр ёшларининг эришаётган ютуқларида яққол намоён бўлмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида вилоятимизнинг энг чекка тумани ҳисобланган Учқудуқ тумани марказида "Келажак" номи билан аталувчи "Ёшлар маркази" ўз фаолиятини бошлади. Қизилтепа туманининг "Гардиён" ҚФЙ ҳудудида Маиший хизмат кўрсатиш коллежининг филиали ишга туширилди. Навбаҳор Енгил саноат коллежида 60 ўринли ўқув устахонаси ёшлар ихтиёрига топширилди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, бундай хайрли ишларнинг барчаси мустақиллик берган имкониятлар туфайли амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, билим, илму фан чўққиларини эгаллашда, энг замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштириш, бизнес соҳасини ривожлантиришда, спорт майдонларида Ўзбекистоннинг шуҳратини тараннум этаётган давр ёшлари учун яратиб берилган бундай имкониятлар барчамизни қувонтиради, руҳлантиради. Чунки ёшлар эртамиз эгалари, шу азиз Ватаннинг ҳақиқий таянчларидир.

**Лочин ОБЛОҚУЛОВ,**
**ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**

* * *

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи барчамизни чуқур ҳаяжонга солди. Айниқса, Президентимизнинг истиқлолдан олдин миллий қадр-қимматимиз, муқаддас қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг топталгани, ўша даврларда халқимиз чеккан ранж-аламлар ҳақида билдирган фикрлари халқ маънавиятини тиклашга кўмаклашувчи анъаналар ва тараққиёт бирлиги принципини ҳаётга жорий этиш йўлида интилаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларининг кўнглидаги гап бўлди, десам муболаға бўлмайди. Шунингдек, аввалги тузумни бошидан кечирган ҳар бир инсон борки, бу гапларни кўзида ёш билан тинглади.

Ўрни келганда айтиш жоизки, партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларида ифода этилаётган инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, ўзлигимизни айнан мустақиллик бизга қайтариб берганини партия депутатлари, электорати, хайрихоҳларимиз дилдан ҳис этиб, озод ва эркин ҳаёт шукронасини туймоқдалар.

Кўп йиллик ўқитувчилик фаолиятимда халқ маънавиятини топташга қаратилган кўпгина уринишларнинг гувоҳи бўлганман. Энг аввало, миллий тилимизга нисбатан муносабат жуда ачинарли, гўёки паст назар билан қараларди. Ҳозирги кунда Давлат тилимиз қабул қилинган кун катта шодиёна сифатида нишонланади. Бундан ташқари, мустақиллик шарофати билан дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган ота-боболаримизнинг номлари, шаъни, бой маданий-маънавий, илмий мероси қайта тикланди. Шу йилнинг май ойида Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги ўрни ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция ўтказилгани, унда 50 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этиб, алломаларимизнинг улкан илмий-маданий, тарихий мероси, уларнинг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси алоҳида эътироф этилгани буюк мутафаккирларни етиштирган заминимизга дунё ҳайрати ва ҳавасини орттирди. Миллий ғуруримизни юксалтириш йўлида олиб борилаётган мана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар барчамизни олға қадам ташлашга, мустақилликни асраб-авайлаш ва қадрига етишга ундайди.

**Манзура САЙДАҲМЕДОВА,**
**халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**

Анжуман



# Аёллари эъзоз топган юрт

## ЎзМТДП томонидан ўтказилган хотин-қизлар анжумани энг улуғ, энг азиз байрамга бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Абдусаттор Мирсаидов анжуман иштирокчиларини азиз айём билан муборакбод этиб, жумладан, шундай деди:

— Ватанимиз мустақиллиги йилдан-йилга анъана ва қадриятларимизни эъзозлаш, уларни замон талаблари асосида бойитиш ва ривожлантириш, ўзлигимизни англаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадимизнинг амалга ошишида улкан имкониятларни яратиб бермоқда. Истиқлолни асраш, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар халқимизни юксак мақсадлар сари чорламоқда. Юртимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлиги учун олиб борилаётган ишларни амалга оширишда партиямиз сафдошларининг ҳам борлиги қувонарли, албатта. Ҳозирги жараёнда мамлакатимиз ҳаётининг бирор-бир жабҳаси йўққи, унда мустақилликнинг ўрни, аҳамияти ва шукуҳи сезилмаса, жамиятимизнинг бирор-бир аъзоси йўққи, ўз ҳаётида истиқлолнинг ижобий самараси, ҳаётбахш таъсирини сезмаган бўлса. Бинобарин, мустақиллик биз учун тинч ва фаровон ҳаёт, халқаро майдонда эса нуфуз ва эътиборнинг бош мезонига айланди. Бугунги хотин-қизлар анжумани ҳам истиқлолни, мустақиллик имкониятларини мадҳ этишга қаратилди.

— Аёлини асраб-авайлаган юртнинг келажаги порлоқ, дейишади. Шу маънода, буни бугун мамлакатимиз аёлларига нисбатан ҳам бемалол айтиш мумкин, — деди анжуманда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи Ҳанифа Зокирова. — Дарҳақиқат истиқлол туфайли хотин-қизларга юксак эътибор қаратилиб, турли жабҳаларда аёлларимиз сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Улар орасида давлатимизнинг юксак унвонларига сазовор бўлган фидойи ва меҳнаткаш, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган аёлларимизнинг саноғига етиб бўлмайди. Бугунги хотин-қизлар анжуманини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам партиямизнинг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, вилоятимизда турли соҳаларда ижод ва меҳнат қилаётган истеъдод эгалари, фаол хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижод намуналарини намойиш этиш, бандлик масаласини ҳал қилишга кўмаклашиш орқали ижтимоий мавқеларини юксалтириш ҳамда муносиб рағбатлантиришдан иборатдир.

Тадбирда вилоятнинг иқтидорли ва зукко хотин-қизлари, истеъдодли ёшларининг чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Эл суйган санъаткорлар томонидан Ватан, истиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди. Якунда анжуманда фаол иштирок этган хотин-қизлар ҳамда истеъдодли ёшларга ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

***Мавлуда АЛИМОВА,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Бугун ўзбек аёллари давлатимиз ва жамиятимизнинг юксак ғамхўрлиги, ардоғи ва эътиборида. Хусусан, Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, оила ва жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш учун катта имконият яратди. Шунингдек, "Соғлом она — соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастурлар асосида соғлиқни сақлаш тизимида жиддий янгиланишлар юз берди. Бу юксак эътиборнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки. етук билим, тегишли малакага эга бўлган оқила ва доно аёлларимизга жамиятнинг барча жабҳасидан муносиб ўрин эгаллаш учун кенг йўл очилди. Сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизга Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизлар учун камида 30 фоиз ўрин ажратишнинг белгиланиши аёлларнинг халқимиз ишончли вакиллари сифатида фаолият юритишлари учун асос бўлди. Бугун ўзбек аёлининг қалбида янграган туйғуга қулоқ тутсангиз, унда фақат шукроналик туйғусини эшитасиз.

***Камолахон РАҲМОНОВА,***
***ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" фаоли,***
***Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори:***

— Биз фарзандларини меҳр ва ардоғида асрайдиган, улар учун барча шарт-шароитларни яратиб берган юртнинг бахтли ёшларимиз. Истеъдодини намоён қилиш учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланаётган тенгдошларим қаторида давлатимизнинг нуфузли мукофоти билан тақдирланганим улкан мақсадларимга қанот бахш этди. ЎзМТДП сафида туриб, партия дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишларда иштирок этаётганимдан мамнунман. Мазкур анжуманда "Энг жозибали бадиий гимнастика спорт устаси" номинацияси бўйича диплом ҳамда эсдалик совғаларга сазовор бўлдим. Ўйлайманки, ушбу тадбир орқали кўплаб зукко ва истеъдодли ёшлар кашф этилди. Иштирокчилар қалбида ўз фаолиятларини янада бойитиш истагининг жўш уришига хизмат қилди.

***Гўзалхон ЭРГАШЕВА,***
***ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" фаоли,***
***Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори:***

— Партиямиз сафидаги хотин-қизлар орасида ташаббускор, зукко ва сиёсий билимга эга бўлган истеъдод эгаларининг бисёрлигига бугунги хотин-қизлар анжуманида ҳам ишонч ҳосил қилдик. Мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор эришаётган ютуқларимизда намоён бўлмоқда. "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибаси сифатида ЎзМТДП сафларини ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускор хотин-қизлар билан кенгайтириш, партиямиз ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилишда бор куч-ғайратимни аямайман.

**Муҳаббатхон ЖЎРАЕВА,**
**ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси**

Сана

# Хотира — муқаддас, қадр абадий



***Миллатнинг ҳақиқий тарбиячиси бу унинг тарихидир. Ҳар бир халқ ўз тарихини билиши замирида теран маъно мужассам. Истиқлол бизга тарихимизни ўрганиш, билиш ва у билан ғурурланиш имконини берди. Мустақиллик туфайли тарихимизга муносабат тубдан ўзгариб, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз қайта қад ростлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг номларини қайта тиклаш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимизда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида “Қатағон қурбонлари” хотираси музейи бунёд этилди.***

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси, ЎзРФА Қатағон қурбонлари хотираси музейи ҳамда Шаҳидлар хотираси жамоат фонди билан ҳамкорликда “Аждодлар хотираси — муқаддас” мавзусидаги тадбир 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига бағишланди. Уни “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси раёсати раиси, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи директори, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси Бахтиёр Ҳасанов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Юртбошимизнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деган таъкидлари бежиз айтилмаган. Бу фикр нақадар асосли ва теран мазмунга эга экани Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги нишонланаётган шу кунларда яна бир бор ўз ифодасини топмоқда. Бугунги тинч-осойишта, дориломон кунларга озодлик учун жонини фидо қилган аждодларимиз машаққати, халқимизнинг меҳнати, шижоати туфайли эришганимиз кўз олдимизда гавдаланади. Шаҳид кетган ота-боболаримиз хотирасига бағишлаб қад ростлаган мазкур ёдгорлик мажмуи ва музей барпо этилган жой бизни тарихий воқеалардан воқиф этади. Ўрни келганда айтиш жоизки, Қатағон йилларида бу кўримсиз жой Алвасти кўприк дея совуқ ном билан аталиб, одамлар бу ердан, ҳатто кундузи ўтишга юраги бетламаган. Айни шу жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилиб, бекафан, бежаноза кўмиб ташланган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг Президентимиз ташаббуси билан бу жой кўркам масканга, зиёратгоҳга айланди.

Бугун бу ерга нафақат юртдошларимиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларидан хорижлик меҳмонлар ташриф буюришади. Улар ўзбек халқи энг қийин даврларда барча миллат вакилларига ўз уйидан жой бергани, сўнгги зоғора нонини ҳам бўлишиб егани, бу эса бошқа миллатларнинг генофондини асрашда муҳим аҳамият касб этишини тўлқинланиб сўзлашганида, қалбимиз чуқур ифтихорга тўлади. Ўйлаймизки, мазкур музей ёш авлод онгида мустақиллик, юксак маънавиятимиз, тарихимиздан сўзлагувчи гўша бўлиб қолаверади.

Дарҳақиқат, мустабид тузумдаги мудҳиш қатағонлар, аввало, миллатимизнинг энг сара фарзандлари — зиёлилар, маънавият, маърифат вакиллари бўлган минглаб инсонларнинг умрига зомин бўлди. Уларнинг қадр-қиммати, ҳаёти топталди, поймол этилди. Бугунги фаровон ҳаётимиз, хотиржам ўтказаётган кунларимиз юртимиздаги миллатлараро тотувлик ва бирдамликни асраб-авайлаш, қадрига етишда фарзандларимиз учун ибрат мактабидир.

— Юрт озодлиги йўлида қурбон бўлган сиймолар руҳини шод этиб, орзу-армонларини рўёбга чиқариш, уларнинг номларини ёш авлод хотирасига муҳрлаш ҳар биримизнинг олий мақсадимиздир, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматов. — Шаҳидлар хотирасини ёд этмоқ, мозийга ҳақиқат кўзи билан боқиш, миллий тарихимиз, аждодларимиз, қолаверса, келажак авлод олдидаги инсоний бурчимиздир. Мана ўн уч йилдирки, Давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, 31 август санасини “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни” сифатида нишонлаймиз. Маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва бойитишни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилаган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 2010 йилда мазкур музей ва “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди билан ҳамкорлик меморандумини имзолаган. Мақсадлар муштараклиги иккала ташкилотнинг биргаликда фаол ҳаракат қилишига сабаб бўлади. Ҳамкорликда ўтказилаётган бу каби тадбирлар мамлакатимиз тарихида рўй берган ижтимоий-сиёсий, маданий воқеаларни ва қатағон сиёсатининг салбий оқибатларини ёшларга тушунтириш, улар онгида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Тадбир якунида иштирокчиларга қатағон қурбонлари хотирасига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

***Мавжуда РАЖАБОВА,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Юртимизда қатағон қурбонларини ёд этиш кунига бағишлаб ўтказилаётган тадбирларда қатнашар эканмиз, мустақиллик чиндан-да олий неъмат эканини янада чуқурроқ ҳис этамиз ва англаймиз. Абдулла Қодирий, Беҳбудий, Чўлпон каби кўплаб ватанпарвар юрт ўғлонларининг номлари, улар томонидан яратилган бой адабий мерос, ватан озодлиги йўлида кўрсатган фидойиликларини халқимиз асрлар оша қалб гавҳари янглиғ авайлаб-асрайди. Бугунги тадбирдан яна шуни чуқур англадимки, тарихий хотира ҳар бир инсонни аждодлардан фахрланиш, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, мустақилликни асраб-авайлаш, юрт равнақига ҳисса қўшишга ундайди.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Давра суҳбати

# Юрт довруғини таратиш иштиёқи

## спортдаги одимларга қанот бағишлайди





***Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада, айниқса, миллионлар ўйини бўлмиш футболни оммалаштириш, ёшларни ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланишларини таъминлаш мақсадида юртимизнинг энг олис қишлоқларида ҳам янги, кўркам стадионлар қад ростламоқда. Бу эса, маҳорат, эпчиллик ва тез фикрлашга ундовчи ушбу спорт турига бўлган қизиқишни янада ошириб, истеъдодли ёшларни кашф этиш ҳамда уларнинг иқтидорини юзага чиқаришнинг муҳим омили бўлмоқда.***

ЎзМТДП Яккасарой туман Кенгаши, Ўзбекистон Футбол Федерацияси, Яккасарой туман ҳокимлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги туман бўлимлари ҳамкорлигида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида ўсмир ёшлардан тузилган жамоалар ўртасида футбол мусобақаси ташкил этилди. Шундан сўнг “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси, ФИФА рефериси Равшан Эрматов, Ўзбекистон Миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов ҳамда ёшлар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирни ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Рустам Қосимов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Истиқлол йилларида юртимизда спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада зарурий шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчилар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Эътироф этиш жоиз, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги миллий тараққиёт ва ғурур, ватанпарварликни мустаҳкамлашнинг узвий қисмидир. Бу эса, ўз навбатида, ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар билан ҳамоҳангдир. Ўзбек футболида ўз ўрнига эга бўлган, юртимиз ифтихорига айланган спортчиларнинг ёшлар билан мулоқотини ташкил этиш, улар эришган ютуқларни ёш авлод ўртасида тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Тадбирда иштирок этган юртимиз ифтихорларининг ҳаёт йўли ва уларнинг футболда эришган муваффақиятлари ёшлар учун ҳар жиҳатдан ўрнак бўла олади.

Самимий ва кўтаринки руҳда ўтган тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга футболимиз фидойиларидан атрофлича жавоб олдилар.

***Равшан ЭРМАТОВ,***
***ФИФА рефериси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби:***

— Бугун мамлакатимиз эришаётган муваффақиятлар ортида ота-боболаримиз орзу қилган, асрлар оша курашган энг олий бахт — истиқлолдек улуғ неъмат ётганини англаш, унинг қадрига етиш, юртимиз тараққиёти ва шон-шавкатини кўтаришга ҳисса қўшиш ёш авлоднинг фарзандлик бурчи, деб ўйлайман. Ҳар бир спортчи ўз олдига мақсад қўяр экан, энг аввало, ўша мақсад сари интилишга, юқори марраларни забт этишга ҳаракат қилади. Мен ҳар доим, муҳтарам Юртбошимизнинг биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам, деб айтадиган гапларини ўзимга қатъий шиор қилиб олганман. Бугунги ютуқларимиз замирида Президентимиз ва халқимизнинг ёшларга билдираётган ишончи, улар учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ётганини эътироф этишни истардим. Истиқлол арафасида камтарона меҳнатимизни юқори баҳолаб, юртимизнинг юксак мукофоти — “Эл-юрт ҳурмати” орденига лойиқ кўрганлари учун давлатимиз раҳбарига, спортни қадрловчи заҳматкаш халқимизга миннатдорчилик билдираман.

***Миржалол ҚОСИМОВ,***
***Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи,***
***“Ўзбекистон ифтихори” унвони соҳиби:***

— Айтиш жоизки, спорт ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотида муҳим аҳамиятга эга бўлиш билан бир қаторда, жаҳонда ҳар қайси миллат ва халқни дунёга танитишнинг энг самарали ва таъсирчан воситаси сифатида хизмат қилмоқда. Зеро, “Ҳеч нарса мамлакатни спортчалик машҳур қила олмайди”. Президентимиз томонидан мустақилликнинг илк йилларидаёқ айтилган ушбу фикрлар бугун том маънода ўзининг амалий ифодасини топаётганини спортчиларимиз эришаётган улкан ғалабаларда, жаҳон ареналарида юртимиз байроғи юксакларга кўтарилиб, мадҳиямиз янграётганида кўриб, қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлмоқда. Футболдаги фаолиятим давомида гарчи муайян ютуқларни қўлга киритган бўлсам-да, бироқ, ҳали футболчиларнинг энг олий мақсадларидан бири бўлган миллий терма жамоамизнинг Жаҳон чемпионатида иштирок этиш орзуси амалга ошгани йўқ. Бугун мамлакатимизда спортга қаратилаётган юксак эътибор келажакда ўз самарасини беришига, юртимиз футболи бундан ҳам катта ютуқларни қўлга киритишига, юртдошларимизнинг миллий терма жамоамизни жаҳон чемпионатида кўриш орзуси амалга ошишига ишонаман.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Жараён

# МИЛЛИЙ ТУРИЗМ

## миллий қадрият ва анъаналаримиз кўзгуси

***“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” деб номланган эзгу ғояни ўзида мужассам этган мустақиллигимизнинг 23 йиллик тантаналарини бутун дунё ҳамжамияти катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатди, десак муболаға бўлмайди. Жаҳон аҳлининг ҳайрату ҳавасини орттириб, сайёҳларни доимо ўзига чорлаб турган қадим ва навқирон юртимизда нишонланган энг улуғ, энг азиз байрам хорижликлар нигоҳини яна бир бор юртимизга қаратиб, улар қизиқишини орттирган бўлса, ажабмас.***

Айтишларича, милоддан юз йил аввал Чин юртидан йўлга отланган илк савдо карвони довону даралар, бепоён саҳролар оша Фарғона водийсига ипак ва бронза кўзгулар келтирган. Шу тариқа дунё цивилизацияси ривожида  муҳим ўрин тутган Буюк Ипак йўлига асос солинган. Орадан асрлар ўтиб узундан-узун карвонлар ўрнини замонавий авиалайнерлар, автомобиль ва тезюрар поездлар эгаллаган бўлса-да, Шарқ ва Ғарбни боғловчи ана шу қадимий йўл ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Эътиборлиси, мамлакатимизнинг бир қатор тарихий шаҳарлари унинг қоқ марказида жойлашган.

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида барча соҳалар қатори туризмни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ўз самарасини бермоқда. Бу юртимизга келаётган сайёҳлар оқимининг йилдан-йилга ошиб бораётгани мисолида ҳам яққол ифодасини топаяпти. Масалан, ўтган йили республикамизга 1 миллион 977 минг 600 нафар сайёҳ ташриф буюрди. Ушбу соҳада хизматлар кўрсатиш ҳажми 16  фоизга ўсди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжоларининг сони бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Юртимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжудлиги фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Ана шуларни инобатга олиб, мустақиллик йилларида туризмни ривожлантириш, хусусан, унинг муҳим таркибий қисми бўлган меҳмонхона хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаси, транспорт-коммуникация тизимини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тўққиз юздан зиёд сайёҳлик ташкилоти, жумладан, 430 та меҳмонхона, 530 дан ортиқ туристик компаниялар фаолият юритмоқда. Дам олиш масканлари сони йил сайин кўпайиб, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бораётгани, янги сайёҳлик йўналишлари таклиф этилаётгани туристлар оқимининг сезиларли даражада ошишига замин яратмоқда. Айтайлик, кейинги йилларда қатор янги халқаро авиарейслар очилди, бир қатор шаҳарларимиздаги аэропортлар модернизация қилинди. Шунингдек, замонавий поездлар қатновининг йўлга қўйилгани сайёҳликдаги  имкониятларимизни янада кенгайтирди.

Экотуризм мамлакатимизда изчил тараққий этиб бораётган соҳалардан бири ҳисобланади. Жиззах вилоятининг Зомин туманида БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик” лойиҳаси ҳам диққатга сазовордир. Мазкур лойиҳа манзили сифатида айнан ушбу маскан танлангани бежиз эмас. Чунки денгиз сатҳидан 3 минг метр баландликдаги арчазорлар, табиий-иқлим ҳамда маданий-этнографик шароит туризмнинг соғломлаштириш-даволаш, экологик, спорт ва бошқа турларини ривожлантириш имконини беради.

Мухтасар айтганда, бугун экотуризм — сайёҳликнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланмоқда. Бу табиат неъматларини асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодга асл ҳолича етказишдек эзгу мақсадга хизмат қилаётгани билан эътиборга моликдир. Бундай ишларни жадаллаштиришда эса ҳуқуқий пойдеворнинг мустаҳкамлиги экотуризмга мос ҳудудлар кашф этилиб, уларда сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратилишида қўл келаётир.

Бой тарихий-маданий меросимиз, бетакрор қадриятлар, юртимиздаги етти иқлимга машҳур нафис меъморий обидалар, табиий-географик қулайликлар — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон туристик бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, 1995 йилдан эътиборан, ҳар йили куз мавсумида Ўзбекистонда жаҳон миқёсидаги йирик анжуманлардан бири — «Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро туристик кўргазмаси ўтказиб келинади. Кўргазма ўтган давр мобайнида нафақат маҳаллий, балки жаҳон туристик ҳамжамиятининг хорижий вакиллари орасида ҳам шуҳрат қозониб, эътироф этиб келинмоқда. Хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишининг ортиб бораётганлиги, шунингдек, мамлакатимизда ички туризмнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, янги баҳорий лойиҳа «Дам олиш дунёси» халқаро ўзбек туристик кўргазмаси «УИТФ-2013» ташкил этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда сайёҳлик соҳаси ривожланиб, туристик хизматлар кўрсатиш суръатлари ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда юртимиз аҳолисининг уч фоизи дунёнинг турли мамлакатларига саёҳат қилмоқда. 2008 йилда бу кўрсаткич бир фоизни ташкил этган. Жорий йилнинг 3-4 октябрь кунлари БМТ Жаҳон туризм ташкилоти ижроия Кенгашининг 99-сессияси Самарқандда ўтиши белгилангани ҳам бу тарихий кентнинг туризм салоҳияти нечоғлик юқори эканлигининг ўзига хос халқаро эътирофидир.

Парижда бўлиб ўтган “Amslav Tourisme” сайёҳлик компаниясининг 2014 йилга мўлжалланган янги каталогининг тақдимотида 2013 йили Ўзбекистон энг кўп франциялик сайёҳларни қабул қилган  ўн мамлакат қаторидан жой олганлиги таъкидланди. Анжуманда Ўзбекистоннинг ана шу ўнликдан жой олгани сабаблари мамлакатнинг яхши табиий-иқлимий шароитларга ҳамда ўзбек халқининг бой тарихий-маданий  меросга эга эканлиги билан боғлиқлиги эътироф этилди.

2014 йилга мўлжалланган “Amslav Tourisme” янги каталогининг Ўзбекистонга бағишланган бўлимида юртимизнинг сайёҳлик маҳсулотлари ҳамда мамлакатимизга саёҳат уюштиришнинг ташкилий жиҳатлари билан боғлиқ батафсил маълумотлар ўз ифодасини топган. Жумладан, унда қадимги карвон йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ҳудуди тарихан илм-фан ва маданият ўчоғи бўлгани алоҳида қайд этилади. Нашрда муштарийлар Буюк Ипак йўлининг ганжиналари — Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарларни ўзлари учун кашф этишга чорланиши баробарида, мазкур қадимий кентлар Ер шарининг энг кўҳна шаҳарлари сирасига кириши алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Дастури ва сайловолди Платформасида мамлакатимиз ижобий имиджини  шакллантириш, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишнинг усули сифатида туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш, миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, сервис соҳаси ва туризмни ривожлантириш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан мамлакатимизда туризмни янада тараққий эттиришга алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда. Бу борада қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Парламент эшитуви, депутатлик сўровлари амалга оширилмоқда. Турли тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилаётир.

Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган парламент эшитувида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси раисининг «Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишининг бориши тўғрисида»ги ахбороти тингланди. Унда республикамизда миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган ҳамда халқимизнинг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилиш, фуқароларимизни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро миқёсда мамлакатимизнинг ижобий имиджини шакллантириш воситаси ҳисобланган туризмни ривожлантиришга қаратилган дастурларни амалга ошириш, Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг бориши устидан парламент назоратини йўлга қўйиш ҳамда соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Парламент эшитувида фракция аъзолари томонидан ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатдаги мавжуд туристик имкониятлардан кенг кўламли ва самарали фойдаланишни назарда тутувчи давлат дастури ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши юзасидан таклиф билдирилган.

Шунингдек, жойлардаги партия ташкилотлари томонидан ҳудудлардаги маданий мерос объектлари — тарихий обидалар, ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳлар ҳақида кенг тарғибот ишлари амалга оширилаётган бўлса, партия гуруҳлари томонидан уларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, чегара ҳудудларини мустаҳкамлаш ҳамда жойларда тарихий музейлар ташкил этиш, айрим обидаларни вилоят сайёҳлик харитасига киритиш юзасидан халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари сессияларига ташаббус-масалаларни олиб чиқдилар. Бу борада бир қатор тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сўзимиз далили сифатида халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан Сулаймон қалъанинг қайта тиклаш ишлари бошлангани, туристик маршрутга киритилгани, Чортоқ ва Вобкент туманларида тарихий музейларнинг ташкил этилгани ҳамда қатор туман ва шаҳарларда депутатларимиз ташаббуси билан сайёҳларни ўзига жалб этувчи ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдосини ташкил этувчи расталарнинг йўлга қўйилганини эътироф этишимиз мумкин.

Халқ депутатлари Бухоро, Жиззах, Навоий, Сурхондарё вилоят Кенгашлари сессияларига партия гуруҳлари томонидан олиб чиқилаётган “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, вилоятда туризм ва сервисни ривожлантириш, бу соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги Қарори ижроси бўйича ҳудудларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи ҳақидаги ташаббус-масалалар соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Миллий туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш вазифаси ЎзМТДПнинг навбатдаги сайловолди Ҳаракат дастурида ҳам ўз аксини топади. Шу боис, бу борадаги ишлар доимо партия фаоллари ва депутатлари диққат эътиборида бўлади. Партиявий лойиҳалар ва ташаббуслар соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

**Дониёр ТОШБОЕВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши**
**Ижроия Қўмитаси девони**
**бўлим бошлиғи**

**Ташаббус ва натижа**



# Маданий мерос объектларига эътибор

**масаласи халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи томонидан сессия кун тартибига олиб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди**

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда)**

Маълумки, истиқлол шарофати билан соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Жумладан, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ва "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Бухоро шаҳрининг тарихий қисмидаги маданий мерос объектларни муҳофаза қилиш масалалари тўғрисида"-ги ҳамда "2020 йилгача Бухоро шаҳрининг маданий мерос объектларини тадқиқ этиш, консервация қилиш, реставрация қилиш ва замонавий фойдаланиш учун мослаштириш бўйича Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Сессияда партия гуруҳи томонидан ушбу қонун ва қарорлар ижроси қай даражада бажариляпти, деган ҳақли савол ўртага ташланди.

Эътироф этиш жоизки, энг аввало, вилоятда жойлашган обидаларнинг ўзига хос тарихи ва хусусиятларидан келиб чиқиб, таъмирлаш, реставрация қилиш зарур бўлади. Чунки мутахассисларнинг фикрича, Бухорои Шарифда қурилган кўпгина обидалар пештоқи қуёшга, меҳроблари қиблага қараб қурилган. (Масалан, Аркнинг олдинги-шарқий дарвозаси (Гурриён деб номланган) ҳам қуёшга қараб қурилганлиги тарихий манбалардан маълум. Агар шу дарвоза қайта тикланса, сайёҳлар оқими янада кўпаяди.) Бироқ, айни кунда "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш" Бухоро вилоят инспекциясида юқоридаги ҳолатларни тадқиқ этадиган ёки қадимий меъморчилигимиздан чуқур хабардор мутахассис кадрлар етишмаётгани сир эмас.

— Ўрганишларимиз шуни кўрсатдики, - дейди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Шоира Аҳмедова. — "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш" вилоят инспекцияси томонидан 2013 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, ҳудуддаги моддий-маданий мерос объектларининг сақланиши ва улардан фойдаланиш борасида олиб борилган ишлар етарли эмас. Инспекция берган маълумотларнинг баъзилари текшириб кўрилганда, бир қатор камчиликлар кўзга ташланди. Масалан, ҳомийлар томонидан тўлиқ таъмирдан чиқарилган объектлар сифатида С.Айний номидаги вилоят мусиқа ва драма театри(эски биноси) кўрсатилиб, унинг таъмирига 50 млн. сўм миқдорида ҳомийлик инвестицияси жалб этилгани айтилади. Ҳолбуки, театрнинг бир қисми "Юнусобод плюс" масъулияти чекланган жамиятига ижарага берилган ва чойхонага айлантирилиб, ҳомийлар томонидан бинонинг ўша қисми таъмирланган, холос. Театрнинг яна бир қисми "Шаҳриёр" дўконига берилган. Театрнинг 2-қавати ҳам сервис хизмати кўрсатиш жойига айлантирилган. Бироқ у ердаги ижарачилар ижара шартномаларига риоя қилмаётганини қаватнинг таъмирталаб ҳолатда эканидан англаш қийин эмас. Шунингдек, "Домулло Турсунжон", Хуржун мадрасалари, Пойи Остона карвон саройлари ҳақида ҳам шундай фикрни билдириш мумкин, - деди депутат.

Мазкур масала видеослайдлар, турли кўргазмали воситалардан фойдаланган ҳолда аниқ далиллар асосида қайд этилди. Партия гуруҳининг мазкур ташаббуси ЮНЕСКО ҳимоясига олинган эски шаҳар ҳудудида тақиқланган қурилиш ишларининг тўхтатилиши, кўпгина қадимий қадамжоларда таъмирлаш ишларининг жадаллашуви, умуман олганда, мазкур жойларда маданий мерос намуналарини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Сессияда Бухоронинг собиқ шўролар томонидан вайрон қилинган, ҳозирда эътибордан четда қолаётган ҳудуди тикланса, маскан нафақат халқимиз фахрига айланиши, балки вилоят иқтисодиётига ҳам фойда келтириши мумкинлиги ҳақида фикрлар ўртага ташланди. Мазкур тикланиш йўли аркнинг шу қисмини ҳунармандларга бўлиб бериш орқали ҳал этилиши мумкин. Натижада улар томонидан таъмирлаш ишлари олиб борилиб, шаҳримиз чирой очади ва яна янги иш ўринлари яратилади.

Партия гуруҳи фаоллари ташаббускорлигида асрлар давомида сақланиб келинаётган шу каби бой тарихий ёдгорликларимизни асраб-авайлашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга молик. Бу масаланинг ташаббус сифатида сессия кун тартибига киритилиши, унинг натижасида тегишли қарор қабул қилиниши соҳада учраётган муаммоларни бартараф этиш, маданий меросимиз намуналарининг янгидан чирой очишига хизмат қилади.

***Зулайҳо КАРИМОВА, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи:***

— Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясига ЎзМТДП гуруҳи томонидан киритилган мазкур масала ҳудуддаги маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва авлодларга муносиб тарзда етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Сессияда кенг муҳокама қилинган ушбу масала жуда долзарб, аниқланган камчиликлар ҳам айни ҳақиқат. Мақсадларимиз муштараклиги боис халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи билан ўрнатган мустаҳкам ҳамкорлигимиз, қолаверса, сессияда тегишли қарорнинг қабул қилингани соҳада учраётган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

***Салтанат ОЧИЛОВА, меҳнат фахрийси:***

— Бухоро вилоят телевидениеси орқали халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳудудимиздаги маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва келгуси авлодга етказиш масаласини вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритганининг гувоҳи бўлдим. Масала атрофлича ёритиб берилган лавҳаларни кўриб, тўғриси, айрим тарихий обидаларнинг ҳолатидан куюндим.

Эътироф этиш жоизки, истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида вилоятимиздаги қадамжолар обод қилиниб, халқимизнинг азиз ва табаррук зиёратгоҳлари қайта тикланди. Маданий мерос объектларининг кўпчилиги таъмирланди, реконструкция қилинди. Натижада тарихий шаҳарларимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар сони бир неча баробарга кўпайди. Бу каби хайрли ишларга ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши лозим, деб ҳисоблайман.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Доимий комиссияларда**

# Депутатлар ташаббускорлиги

**ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар изчиллигини таъминлайди**

***Бугун юртимизда кечаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар жараёнида сиёсий партиялар, айниқса, улардан сайланган депутатлардан янада фаоллик талаб этилади. Шу нуқтаи назардан ЎзМТДП томонидан маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ишини янада кучайтириш, депутатларнинг ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг ижобий самараси уларнинг нафақат халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларидаги фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда.***

Яқинда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП гуруҳи томонидан вилоят маҳаллий бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йилликда белгиланган асосий параметрларининг ижроси тўғрисида вилоят Молия бошқармаси бошлиғи ҳамда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида "Агробанк" АТБ ва "Ипотека Банк" АТИБ вилоят бўлимларида фуқароларнинг мурожаатлари билан иш юритишнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотини тинглаш масаласи киритилди. Йиғилишни бошқарган халқ депутатлари вилоят Кенгаши Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Ғайрат Қодиров қуйидагиларни таъкидлади:

— Мамлакатимизда, хусусан, вилоятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг самараси бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, бюджет интизомига риоя қилинишига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Зеро, бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар изчиллигини таъминлашга хизмат қилади, — деди нотиқ.

Йиғилишда вилоят маҳаллий бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йилликда белгиланган асосий параметрларининг ижроси тўғрисида вилоят молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Умид Тожибоевнинг ҳисоботи тингланди.

Қайд этилганидек, вилоят молия ва солиқ бошқармалари томонидан 2014 йил биринчи ярим йиллигида вилоят маҳаллий бюджетининг ижросини таъминлаш ҳамда режа кўрсаткичларининг бажарилиши юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида давлат даромадлари прогноз кўрсаткичлари 68086 млн.сўм деб белгиланиб, 68812.7 млн.сўм маблағ тушиши таъминланди.

Муҳокамалар чоғида соҳада эришилаётган ютуқлар билан биргаликда мавжуд камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, маҳаллий бюджет параметрларининг биринчи ярим йилликдаги бажарилиши юзасидан амалга оширилган ишларни ўрганиш мақсадида депутатлар томонидан олиб борилган назорат-таҳлиллар натижасида фойдаланилмаган ички имкониятлар мавжудлиги аниқланган. Иштирокчилар томонидан соҳада учраётган бу каби камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари чуқур муҳокама қилинди.

Йиғилишда иккинчи муҳим масала, яъни Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларининг "Агробанк" АТБ ва "Ипотека банк" АТИБ вилоят филиалларидаги ижроси ҳолати ҳам қизғин муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, мазкур банкларда ушбу қонун талабларига мувофиқ фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ижросини назорат қилиш, банк филиалларида фуқароларни шахсий масалалар бўйича филиал бошқарувчиси, унинг ўринбосари томонидан қабул қилиш жадвали, "Ишонч телефонлари" ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

— Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини тўлиқ ҳисобга олиш, уларнинг сабабларини тизимли таҳлил қилиб бориш, ариза ва шикоятларни белгиланган муддатларда чуқур, пухта ўрганилишини ташкил этиш ҳамда натижалари ҳақида хабардор қилиш, давлат бошқаруви органларига такрорий мурожаатларининг олдини олиш борасида камчиликлар учрамоқда, — дейди халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Лола Эгамова. — Мутассадди ташкилотлар фаолиятида учраётган бу каби камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш, соҳада амалга оширилаётган ишлар юзасидан назорат-таҳлил фаолиятини олиб бориш ваколатимизнинг устувор жиҳатларидан бири саналади. Йиғилишнинг шу каби масалаларга бағишлангани айни муддаодир.

Доимий комиссия йиғилишида сўз олганлар вилоят маҳаллий бюджетининг жорий йилдаги асосий параметрларининг ижроси, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг банклар томонидан бажарилишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларини билдирди.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Интервью**

# БУ ГАЛГИ САЙЛОВЛАР

**ҳам демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги юксак мақсадларимизга ҳамоҳанг тарзда ўтказилади**

***Жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловларга тобора яқинлашиб бормоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот котиби Низомиддин НУРМАТОВ билан суҳбатимиз умумэътироф этилган демократик андозалар асосида ўтиши кутилаётган мазкур сайловлар, унга тайёргарлик кўриш жараёни хусусида бўлди.***

**— Бу галги сайловларнинг аввалгиларидан фарқи, ўзига хос жиҳатлари қандай ўзгаришларда намоён бўлади?**

— Дарҳақиқат, жорий йилги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлар аввалги сайловлардан тубдан фарқ қилади. Чунки Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси доирасида сайловга оид бир қатор қонун ҳужжатларига муҳим ўзгартишлар киритилди. Шу ўринда бу қандай кўринишларда намоён бўлади, деган саволга аниқлик киритиб олишимиз лозим.

Энг аввало, таъкидлаш жоизки, сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, "сайловолди ташвиқоти" тушунчаси тўлиқ очиб берилди, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланди. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги, муддатидан олдин овоз беришнинг муддатлари, тартиби ва таомиллари белгилаб қўйилди. Кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Қолаверса, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини тузиш имконияти ҳам назарда тутилди. Бундан ташқари, сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган янги норманинг мазмунига кўра, овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижалари, сайлов натижалари тахминлари, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилиши сайловларнинг янада демократлашувини, очиқлиги ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади. Шундай қилиб, мамлакатимиз Конституциясига ва сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар миллий сайлов тизимининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар билан ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг равишда янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Айнан шу жиҳатдан бўлажак парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар аввалгилардан тубдан фарқ қилади. Эътиборли жиҳати, Концепция доирасида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг янада тўлиқроқ амалга оширилиши, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашуви, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловнинг очиқлиги ҳамда шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Демак, жорий йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловлар жамиятни янада эркинлаштириш ва демократлаштириш жараёнидаги батамом янги шароитларда ўтказилади. Боиси бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти мустаҳкам ва барқарор ривожланиш босқичига кўтарилган бўлса, аҳолининг турмуш фаровонлиги, ҳаёт даражаси, дунёқараши ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ҳам шунга мувофиқ равишда юксалиб, мамлакатимиз халқаро майдонда ўз муносиб ўрнига эга бўлмоқда.

**— Айни кунда Марказий сайлов комиссияси томонидан қандай амалий ишлар олиб борилмоқда?**

— Хабарингиз бор, Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йилнинг май ойида 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида бўлажак сайловларга қонунчилик талаблари, халқаро сайлов стандартларига тўла мувофиқ равишда, юқори демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ишлари тайёргарлик босқичи доирасида амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, мамлакатимиз сайловчиларининг умумий сонини аниқлаштириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайлови бўйича тузиладиган 135 та сайлов округи харитаси лойиҳасини тайёрлаш, шу жумладан, округларнинг чегаралари, номланиши ва тартиб рақамини белгилаш, округ сайлов комиссияларини тузиш, сайлов ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бўлган ва сайлов жараёнини тартибга солишга қаратилган низом ва йўриқномалар лойиҳалари устида иш кетяпти.

Эътироф этиш жоизки, Марказий сайлов комиссиясининг асосий мақсадларидан бири мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа бўлмиш сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишнинг тамойиллари ва вазифалари мазмун-моҳиятини очиб бериш, сайловчиларнинг хабардорлигини оширишдир. Бу борада комиссия томонидан манфаатдор ташкилотлар, етакчи олимлар, экспертлар ва амалиётчи ходимлар билан мустаҳкам ҳамкорлик олиб борилиб, ҳар ой учун алоҳида тузилган медиа-режа асосида республика ҳамда маҳаллий матбуотда, радио ва телевидениеда чиқишлар ташкил қилинмоқда. Бундай чиқишлар орқали демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш шакллари ҳамда усуллари, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, улар томонидан сайлов кампанияси борасида сиёсий этика меъёрлари, амалдаги сайлов қонунчилиги талабларига риоя қилинишини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги пайтга қадар республика оммавий ахборот воситаларида сиёсий партиялар ва сайлов кампанияси бошқа субъектларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сайлов қонунчилиги нормаларини кенг жамоатчиликка тушунтириш билан боғлиқ 280 дан ортиқ материал эълон қилинди. Уларнинг 190 дан зиёди сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишлар ёритилишига, 90 дан ортиғи қонунчилик нормаларини кенг жамоатчиликка етказишга бағишланган. Шу билан бирга матбуотда 160 дан зиёд, телевидениеда қарийб 60, радиода 20 га яқин, интернет нашрларида 10 дан зиёд материаллар эълон қилинди.

Сайлов мавзусида республика ОАВда эълон қилинган материаллар таҳлилига кўра, янгилик ва хабарлар 55 фоизни, таҳлилий материаллар 44 фоизни ташкил этади. Шунингдек, материалларнинг қарийб 130 таси сиёсий партиялар, 92 таси нодавлат нотижорат ташкилотлар, 70 дан ортиғи Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ёритишга бағишланганлиги эътиборга молик.

**— Сайловларнинг демократик талаблар асосида ўтишини таъминлаш, бу борада юз бериши мумкин бўлган турли ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида маълумот берсангиз.**

— 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурининг энг муҳим талаблари ва мақсадли вазифалари қаторида сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя қилинишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, энг аввало, сиёсий партиялар, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этадиган барча ташкилий тузилмалар ўртасида қонунчилик меъёрларига қатъий риоя қилиш зарурати хусусида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Маълумки, қонунчиликка мувофиқ сайлов кампаниясини ўтказишда фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси асосий ташкилотчи ҳисобланади. Сайлов кампанияси иштирокчиларининг бирортасига бирон-бир имтиёз ва устунлик берилиши истисно қилинади. Сайлов қонунчилигининг меъёр ва талаблари, қонунлар ҳамда Дастурда белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир.

Дастурда аниқ кўрсатиб ўтилганидек, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов кампанияси жараёнига аралашиш, қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишларига нисбатан қонунчиликка мувофиқ чоралар кўрилади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси мобайнида қонун устуворлиги тамойилига қатъий равишда риоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади. Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам Марказий сайлов комиссиясининг ваколатларини янада кенгайтириш, унинг мустақиллигини янада кучайтириш, шунингдек, сайлов жараёни барча иштирокчиларининг масъулиятини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**"Milliy tiklanish" мухбири**
**Умида УЗОҚОВА суҳбатлашди**

Боқий мерос



# Миллат маънавиятининг ноёб дурдоналари

**халқимиз томонидан асраб-авайланиб, янада сайқал топмокда**

***Марказий Осиё ҳудудида 30 мингдан зиёд турли меъморий обидалар, археологик ёдгорликлар, зиёратгоҳ ва қадамжолар мавжуд. Қувонарлиси, уларнинг энг кўп қисми бизнинг юртимизда жойлашган. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўзининг бой тарихи, юксак маданияти ва буюк маънавий мероси билан маълуму машҳур бўлган. Маданий мерос миллат маънавиятининг чинакам сарчашмаси деган ўринли таъриф ҳам бежиз айтилмаган. Зеро, унда халқнинг ўзлиги мужассам. Ўзлигини асраб-авайлаган халқ эса доимо миллий меросига мурожаат қилиб бораверади.***

Юртимизда маданий меросимизга алоҳида эҳтиром кўрсатилиб, уларни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмокда. Бу борада “Олтин мерос“ халқаро хайрия жамғармаси фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, мазкур жамғарма ўтган йиллар давомида республикамизда яшаётган турли миллат ва элатларнинг ўтмиши ва маданиятига оид қимматли тарихий маълумот, манбаа ва ашёларни излаш, муқаддас қадамжоларни обод қилиш, бобокалонларимиз ва қадимий шаҳарларимиз юбилейларини ўтказишга кўмаклашиш, қадимий санъат асарлари ва қўлёзмаларни тўплаб музейлар ташкил этиш каби ишларни амалга оширади. Шунингдек, халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси, бой тарихи, маданияти ва санъатини нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам кенг тарғиб қилиш, миллий ҳунармандчиликнинг қадимий мактабларини тиклаш, халқаро конференция, фольклор фестиваллари, семинарлар, танловлар, кимошди савдолари, концертлар уюштириш, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамкорлигидаги эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришни режалаштириб қўйган.

Таъкидлаш лозимки, миллий қадриятлар, анъана ва бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш Ўзбекистон “Миллий тикланиш“ демократик партиясининг дастурий вазифаларидан. Шу боис партия ва “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланган бўлиб, асрлар оша аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимизни аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб борилмокда.

Бугунги кунда юртимиз тарихини тадқиқ этиш борасида жамғарманинг вилоят бўлимлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмокда. Жумладан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Тошкент вилояти тарихи ва маданияти ниҳоятда бой, иқлими, ҳамда табиати бетакрор ҳудудлардан ҳисобланади, - дейди “Олтин мерос” жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа Эшмирзаева. — Вилоят ҳудудида 1400 дан ортиқ қадимий осори-атиқалар мавжуд. Ёдгорликлар, тарихий воқеалар билан боғлиқ иншоотлар, диққатга сазовор жойлар, шунингдек, асрларга тенг дарахт, тош ва булоқлар ҳали ҳамон халқимиз томонидан қадрлаб келинади. Жумладан, Хўжакент ғорлари, Қўй булоқ, Паркент туманидаги тош битиклар (тош даврига оид) аждодларимизнинг турмуш тарзи, ҳаёти ва маданиятидан ҳикоя қилди. Бу расмлар бир қарашда оддий кўринса-да, бироқ аждодларимиз улар орқали ўз кўнгил кечинмаларини тошга муҳрлаганлар. Ёки қадимий Қанқа ёдгорлигини олайлик. Ёдгорликка эрамиздан аввалги VI асрда асос солинган бўлиб, иккинчи шаҳар вазифасини ўтаган. Миллий архитектура анъаналари асосида бунёд этилган Қизил мозор, “Занги ота” мақбаралари, “Пайғамбар ота”, “Шоабдумалик ота”, “Ғавсулаъзам” каби улуғ боболаримиз ётган зиёратгоҳлар ана шу заминда барпо этилган. Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ юртимиздаги улуғ аждодларимиз зиёратгоҳлари қайта тикланди. Жумладан, Тошкент вилоятида амалга оширилган ана шундай ишлар натижасида Паркент туманидаги “Заркент ота”, Оҳангарон туманидаги “Пайғамбар ота” Оққўрғон туманидаги “Шомилқориавлиё” зиёратгоҳлари ҳашар йўли билан қайта таъмирланди.

Шунингдек, “Угам-Чотқол” давлат миллий табиат боғи билан қўшма қарор қабул қилганмиз. Ундан кўзланган ягона мақсад — Тошкент воҳаси тарихи, маданияти, бой табиати, улуғ боболаримиз номи билан боғлиқ бўлган тарихий жойларни сақлаб қолиш, барча табиий комплекслар (ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, ажойиб табиат ёдгорликлари, шифобахш сувлар)ни асраб-авайлаш, тиклаш ва шу орқали ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, воҳамизнинг инсоният маънавияти, тараққиётига қўшаётган юксак ҳиссасини тарғиб қилишдир. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларининг тоғли ҳудудларида жойлашган боғлар ўзига хослиги, такрорланмас гўзал табиати билан киши эътиборини тортмасдан қолмайди. Миллий боғнинг гўзалликларидан яна бири табиий кўллардир. Бўстонлиқ туманининг юқори Псказ қишлоғи ўзига хос иқлими, такрорланмас гўзал табиати ва сойлар орасидаги табиий кўллари билан ажралиб туради.

Яқинда ташкилотимиз томонидан юртимиз тарихини чуқур ўрганишга бағишланган “Шайх Умар Валий”, “Шоҳрухия”, “Илоқиннинг мероси” илмий-оммабоп фильмлари суратга олинди. Ушбу фильмлар халқимиз тарихи, маънавий меросини ўрганишга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз. Масалан, “Илоқиннинг мероси” фильмида Оҳангарон туманининг ўтмиши, у ердаги ёдгорликлар, табиати ва иқтисодий-сиёсий ҳолатига ҳам урғу берилган. Шу билан бирга у ерда жойлашган “Пайғамбар ота”, “Шоабдумалик ота” зиёратгоҳлари хусусида ҳам сўз боради.

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўртасида имзоланган меморандумга кўра муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Ватан ичра саёҳат” лойиҳамиз ана шу ҳамкорлигимиз туфайли йўлга қўйилди. Жорий йил Оҳангарон туманига уюштирган саёҳатимиз чоғида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини “Шоабдумалик ота” ва “Пайғамбар ота” зиёратгоҳлари, шунингдек, “Шоҳрухия” манзилгоҳларига олиб бордик. Худди шундай саёҳатларнинг навбатдагиси мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига муносиб совға, қолаверса, “Соғлом бола йили” давлат дастури ижроси асосида амалга оширилди. Сафар давомида болаларни Паркент туманидаги қадимий ёдгорлик, зиёратгоҳ ва табиатнинг манзарали жойларига олиб чиқиш ниятидамиз. Бу каби экспедицияларимиз Республика “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан бирга жорий йилда учинчи бор ўтказилиши. Фарзандларимиз бу саёҳатлардан маданий ҳордиқ чиқариш баробарида тарихимизни ҳам ўрганиш имкониятига эга бўлади. Сабаби бундай саёҳатлар давомида тарихчи олимлар, археологлар бизга ҳамроҳлик қилмоқда. Бу эса фарзандларимизнинг ватанпарвар бўлиб улғайишида муҳим ўрин тутади.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Фаолият

# Истиқлолга тенгдош даргоҳ

***Шукрлар бўлсинким, халқимизнинг асрий орзу-армони ушалди. Бошимиз узра озодлик қуёши порлаб, вужудимиз ҳуррият шабадасидан яйради. Дилимиздаги ҳиргойи тилимизда бaралла янграй бошлади. Мустақиллик деб аталмиш буюк неъмат ҳақ-ҳуқуқларимизни бор бўйи билан тиклади. Ўз йўлимизни белгилаб берди. Дунё бизни тан олиб, кенг қучоқ очди. Ўзбекистон жаҳон харитасидан муносиб жой эгаллади. Тенглар ичра тенг бўлдик. Ўзбек ўзини, ўзлигини, нималарга қодирлигини, ҳеч кимдан кам эмаслигини, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш” йўлида ғоятда қисқа вақт ичида эришган оламшумул ютуқлари билан жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортди, ҳурмат ва эҳтиром қозонди.***

Ўтган йигирма уч йил мобайнида биргина таълим соҳасида дунёнинг энг ривожланган давлатлари томонидан эътироф этилган бекиёс муваффақиятларга эришдик. Юртимизда таълимнинг бетакрор тизими яратилди. Фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб етишишлари учун барча шароитларга эга касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, институт ва университетлар бунёд этилди.

Тошкент молия институти мустақиллигимиз тенгдоши ҳисобланади. Даставвал, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг молия-кредит ва ҳисоб-иқтисод факультетлари негизида, эски ва кўримсиз бинода фаолият бошлаган олий ўқув юрти эндиликда пойтахтимиз марказининг кўркига кўрк қўшиб турган чиройли ва замонавий бинога эга бўлди. Институт биносидан жой олган еттита факультет дарсхоналарида 5600 дан зиёд йигит-қиз таълим-тарбия олмокда. Уларга 400 га яқин профессор-ўқитувчи замон талаблари даражасида соҳа сир-асрорларини кунт билан ўргатмокдалар. Асосий диққат-эътибор рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилган бўлиб, талабанинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан етарлича билим ва тажрибага эга бўлиши учун барча шарт-шароит яратилган. Ахборот-ресурс марказида 640 минг нусха иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий адабиётлар, 71 номдаги газета ва журналлар, 460 ўринли 6 та ўқув зали, интернет тармоғига уланган 64 компьютерли электрон кутубхона мавжуд бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва талабаларга 32 нафар ходим хизмат кўрсатмокда. Буларнинг ҳаммаси янги-янги миллий ҳамда хорижий адабиёт ва манбалар билан мунтазам бойитиб борилмокда. Институтда чет эл илмфан марказлари билан ҳам ҳамкорлик ишлари кенг йўлга қўйилган. Бугунги кунда Япония, Германия, Жанубий Корея, Буюк Британия, Ҳиндистон, АҚШ, Малайзия, Россия, Чехия, Бельгия, Миср Араб республикаси сингари давлатларнинг 18 та таълим муассасаси билан шартнома асосида кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмокда. Бу эса талабаларни илмий ишларга жалб этиш доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилмокда. Бу йил институтнинг 1220 нафар талабаси молия иқтисоди, банк иши, бухгалтерия ҳисоби, ғазначилик, суғурта лойиҳаларини молиялаштириш каби қатор соҳаларини муваффақиятли битириб, мамлакатимизнинг статистика, солиқ, суғурта, банк, саноат корхоналари, таълим ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотларига йўлланма олди. Бу анъанага биноан ҳар бир талабанинг билими, дунёқараши, ишчанлиги ва бошқа фазилатлари соҳа ташкилотлари томонидан чуқур ўрганилиб, танлов асосида амалга оширилди.

Таълим тизимида янги педагогик технологияларни ва илғор тажрибаларни қўллашга интилаётган Тошкент молия институти бугунги кунда мамлакатимиздаги таянч олий ўқув юртларидан бирига айланди. Шунингдек, ўқув масканимизнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этишда соҳага оид мактаб яратишга эришганлиги унинг нуфузи тобора ортиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Мухтасар айтганда, истиқлол бизга, энг аввало, ҳуқуқ нималигини англатди. Мустақил фикрлаш, танланган йўлдан оғишмай боришни, шукроналик билан яшаш, тинчлик ва барқарорлик учун курашиш, ҳамиша ва ҳамма жойда огоҳлик билан эл-юрт бахт-саодати йўлида ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишни ўргатди. Мана шу буюк туйғу профессор-ўқитувчиларимиз ва талабаларимизни эзгу мақсадлару улкан зафарларга эришишларида қанот бўлмокда.

**Нуриддин ОЧИЛОВ,**
**Тошкент молия институти Устоз ва мураббийлар кенгаши раиси**




Кўргазма

# Кандакорлик санъати дурдоналари

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвонсаройида Фахриддин Абдужабборов коллекциясидан ўрин олган кандакорлик асарлари кўргазмаси очилди.*

Кўргазмага устанинг 50 дан ортиқ кандакорлик ишлари қўйилган. Ф.Абдужабборов бир неча йиллардан бери Ўзбекистоннинг маданий мероси намуналарини тўплаб, ўрганиб “Тикланиш” лойиҳаси бўйича кўргазмалар ташкил этиб келади.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ранг-баранг халқ амалий санъатида кандакорлик санъати алоҳида ўрин эгаллайди. Кандакорлик — ўймакорликнинг металл буюмларни ўйиб, чизиб, накш, тасвир ишлаш соҳаси ҳисобланади. Кандакорлик қўлда бажариладиган иш бўлиб, ҳар хил пўлат қаламлар ёрдамида амалга оширилади.

Археологик топилмалар кандакорлик Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан мавжудлигини кўрсатмокда. Юртимизда сўнгги антик ва илк ўрта асрларда ўзининг чинакам тараққиётига эришган. XIX асрнинг охирига келиб, буюмларни ишлашдаги ўзига хослиги, зарбнинг чуқур ёки саёзлиги накшлар юзаси ва заминини безашда қўлланиладиган кандакорликнинг бир неча мактаблари шаклланган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**



Шукрона

# Биз нечун севамиз Ўзбекистонни?!

**ким эдигу ким бўлдик**

***Ўзбекистон мустақиллиги халқимизнинг XX аср адоғида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Ўтган қисқа, лекин сермазмун йўлга назар ташлаганимизда кўз қувонади, дил яйрайди. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳар кун, ҳар соат ва ҳар дақиқа амалга оширилган саъй-ҳаракатларга халқимиз гувоҳ бўлиб, бевосита ўз фаоллиги билан бу ишларнинг ижрочисига айланмоқда. Шунинг учун ҳам*** **"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!"** ***деган шиор халқимиз юрагининг энг қайноқ жойидан, қувончга тўла кўнгилларнинг туб-тубидан отилиб чиқди.***


*(ЎзА) олган сурат.*

Бугун биз танлаган тараққиёт йўли — ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий эканини халқимиз кўриб, ҳис қилиб турибди. Бу йўлнинг нақадар тўғри ва мустаҳкам асосга эга экани билан фахрланиб, аввало, бунинг учун ана шу йўлни танлаган Юртбошимиздан мамнун бўламиз. Чунки Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган йигирма уч йили ёш давлатимиз учун сиёсий соҳа, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт ва маънавият, ижтимоий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва миллий хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлди.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги табрик сўзида мустақиллик халқимизга ўз йўлини танлаш ва ана шу йўл орқали тараққий этиш имконини бериб, қадди ва қадри баланд Ватанимизнинг қадр-қимматини янада оширганини фахр ва ифтихор билан таъкидладилар. Дарҳақиқат, истиқлол бизга катта имкониятлар берди. Бу эса бизда туғилиб ўсган юртимиздан фахрланиш ҳиссини пайдо қилди. Мустақилликдан аввал ўтган кунларни ёдга олаётган нуроний отахонлару онахонларимизнинг хотиралари, ҳикоялари бунга яна кучлироқ туртки бермоқда.

Бу ҳақда асли тошкентлик 87 ёшли онахон, иқтисод фанлари номзоди, доцент Санобархон ая Расулова қуйидагича ҳикоя қилади:

— Биз шундай даврда катта бўлганмизки, уни бугунги кун билан таққослашнинг умуман иложи йўқ. Буни гўёки чумоли билан туянинг оғирлигини таққослашдек тасаввур қиламан. Ёшларга — набираларим ва абираларимга доим мана шундай бахтиёр кунларнинг қадрига етиш лозимлигини насиҳат қиламан. Мисол учун, мен турмушга чиққан вақтимда ота-онам ва укаларим битта хонада, биз турмуш ўртоғим билан битта хонада яшар эдик. Қишда совуқ бўларди. Иситиш тизими йўқ. Печкаларимиз бўларди-ю, аммо кўмир муаммо эди. Мактаб хоналари ҳам кўмир билан иситиларди. Кўмирни кўмирхонадан ўқувчилар навбатма-навбат олиб келиб ёқардик. Қўлимиз кўмир бўлиб қолгандан кейин ювиш учун сув керак бўларди. Ҳозиргидек иссиқ ва совуқ сувлар тайёр жўмраклардан оқиб турмаган ўшанда. Совуқ сув бўлса сув билан, бўлмаса, қор билан ювиб кетаверардик.

Китоб етишмовчилигинику гапирмаса ҳам бўлади. Шаҳар мактаби ҳақида гапираяпман. Қишлоқлардаги шароитни ўзингиз тасаввур қилаверинг. Уйда чой ичмоқчи бўлсак, ҳўл ўтинни тутатиб, зўрға бир соатда сув қайнатиб олардик.

Биласизми, нима учун буни айтяпман? Сиз айтишингиз мумкин, "ўша даврда замон шунақа эди, ҳозиргидек тараққиёт йўқ эди" деб. Аммо мен ўша вақтларда хизмат юзасидан чет мамлакатларга ҳам борганман. У ерлардаги шароиту тўкинчиликни кўриб, "бизнинг юртимизда қачон шундай бўларкин, биз ҳам шулар каби яшармиканмиз" деб қайтгандим. Ўшанда жудаям ҳавасим келган эканми, худо умримни узоқ қилиб, мана, шу кунларга ҳам етказди. Президентимизнинг "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деган пурмаъно сўзлари бугун ўз исботини топаётганидан қувонаман.

Шириндан шакар набираларимни кўрсам, болалигим ёдимга тушиб кетади. Қувончдан кўзларимга росмана ёш келади. Шу кунларга етганимизга, етказганига шукур. Ахир, биз бир бурда қотган нон есак, оғзимиз қулоғимизда, хурсанд бўлардик. Энди... бу гапни энг азиз ва энг керакли нарса нон бўлгани учун айтяпман. Тунов куни телевизорда noннинг ўттизга яқин турини санаганини эшитиб, ҳайрон қолдим. Ўша нонларнинг 90 фоизга яқини ҳозир ўзимизда ҳам бор. Бошқа нарсаларни-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Биз кекса авлод вакиллари доимо қўлимиз дуода. Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мана шундай мусаффо бўлсин, деймиз.

Онахоннинг шукроналикка йўғрилган фикрларини тинглаб, бугун демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси, кексаю ёш тушуниб етаётганига ишонч ҳосил қилдик. Ватанга севги ва садоқатимиз ортишининг боиси ҳам бир жиҳатдан шунда эмасми?

— Мен Ўзбекистонда сўнгги тўрт йил ичида рўй берган иқтисодий ўзгаришларнинг бевосита гувоҳиман. Тошкент ва умуман Ўзбекистон кўчаларида автомобиллар сони бир неча баробар кўпайди, бу мамлакатингиз аҳолисининг турмуш даражаси муттасил юксалиб бораётганидан далолатдир, - дейди Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Азиз бин Харун ЎзА мухбирига берган интервьюсида. — Нафақат пойтахтингизда, балки Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида янги-янги корхоналар, спорт иншоотлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, ресторанлар очилмоқда. Бу улкан янгиланишлар Ўзбекистон иқтисодиёти юксак суръатларда тараққий этаётганига ва халқ манфаатларига хизмат қилаётганига ёрқин мисоллардир. Шуни ишонч билан айтаманки, доимий равишда тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш, ички инвестициялардан оқилона ва самарали фойдаланиш натижасида Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш борасида ўз олдига қўйган мақсадлар йўлида бундан кейин ҳам улкан ютуқларга эришади.

Бу сўзлар Ўзбекистонимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганини нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам эътироф этаётганига бир мисол. Бу жонажон ватанимизни севишимизга арзийдиган яна бир далил. Бундан ташқари, Ватанга бўлган севги ва садоқатимизни бахшида қилишга арзийдиган кўплаб сабабларни келтириш мумкин. Уларни санаб, адоғига етишнинг ўзи амримаҳол. Бугун қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётир. Хусусан, жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларида Ўзбекистон ўрганувчи давлатдан ўргатувчи — намунали давлатга айланиб бормоқда. Айрим йўналишларда дунёнинг ривожланган давлатлари билан баҳслашаётган бўлса, баъзи соҳаларда йирик-йирик давлатлар қаторида олдинги ўринларда тилга олинмоқда. 2011 йилда машҳур HSBS хусусий банки тайёрлаган "Дунё 2050 йилда" номли маърузада уч тоифага бўлиб ўрганилган давлатлар орасида Ўзбекистоннинг жадал суръатларда ривожланаётган 26 та давлат рўйхатига киритилгани ютуқларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида келтирилган қуйидаги маълумотлар бунга мисол бўла олади.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги - 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси — 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди. Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир. 2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Шу ўринда юртимиз аҳолисининг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда яратилаётган муносиб турмуш шароити ҳақида гапирмасликнинг сира иложи йўқ. Айниқса, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамияти чексиз. Булар ҳақида Самарқанд вилояти Булунғур туманида яшовчи Раънохон Шомуродова шундай дейди:

— Қишлоғимиздаги уйлар аввалари йиллар давомида лойсувоқлигича тураверарди. Сувоқ қилинган, шиферсиз уйлар жуда ҳам кўп эди. Биз ўзимизни ўзимиз овутиб, "бизга шу ҳам бўлаверади", деб қўярдик. Истиқлолнинг илк йилларида ҳам қишлоғимизда пишиқ ғиштли уйлар саноқли эди. Кўпчиликнинг бундай уйлар қуришга имконияти етмасди. Бугун наинки бизнинг қишлоқларда, балки энг узоқ овулларда ҳам бунёдкорлик ишлари авжида.

Айни пайтда қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий уй-жойлар, улардаги шароит ва қулайликлар одамнинг кўзини қувнатади. Буларнинг барчаси — рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, яратилган шарт-шароиту имкониятлар энг азиз ва улуғ неъмат — Мустақиллик натижаси.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, униб-ўсиб келаётган авлодларимизга Ўзбекистоннинг кечаги тарихини эслатиб, бугунги кунига шукроналик ва эртанги кунга ишонч билан яшашни ўргатмоғимиз лозим. Ўзбекистонни янада қадрлаш кераклигини қалб-қалбларга сингдириш ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, улар муқаддас Ватанимиз ягона эканию севги ва садоқатимиз фақат шу она Ватан — мустақил ва гўзал Ўзбекистон учун эканини англаб етишсин.

**Отабек БОЗОРОВ,**
**Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бош мутахассиси**

Таълим

*Мамлакатимиз қисқа муддат ичида иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий, умуман, ҳар бир жабҳада юксак ривожланиш сари юз тутди. Мустақиллик йилларида таълим тизими ҳам тубдан ислоҳ этилиб, мутлақо янги типдаги замонавий мактаб, коллеж ва академик лицейлар барпо қилинди.*

# Олис қишлоқ мактаблари

**ҳам замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан унумли фойдаланмокда**

Табиийки, бугунги кунда бошқа соҳалар сингари таълим тизимини ҳам ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис янги ўқув масканлари энг сўнгги русумдаги компьютер ва замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Ziyo NET" таълим тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг «Ziyo NET" таълим тармоғига уланиш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида"ги буйруғига асосан, Сариосиё туманидаги 43 та мактаб "Uz Mobile" телефонлари билан таъминланиб, "Ziyo NET" тармоғига уланди. Шунингдек, 28 та ўқув масканининг "Веб-мактаб" сайти яратилди.

Тумандаги 4 та мактаб Халқ таълими вазирлиги томонидан, 8 та ўқув даргоҳи эса Жаҳон банки сармояси ҳисобидан замонавий компьютер жамланмалари билан таъминланди. Бундан ташқари, ўтган 2013-2014 ўқув йилида ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация воситалари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотлари ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича малакалари ошириб борилмоқда. Педагогларни электрон таълим порталларидаги методик материаллар — видеодарс, давлат таълим стандартлари, дарс ишланмалари, тавсиялар, дарсликлардаги мультимедиа иловалар билан таништириш ва уларга замонавий технологиядан унумли фойдаланишни ўргатиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Республикамизнинг энг чекка туманлари, ҳатто тоғли ҳудудларда жойлашган мактабларда ҳам кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Ўқувчиларимиз ана шундай шарт-шароитларга жавобан мамлакат миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловлару мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Эришилаётган ютуқларда Эркиной Мухторова, Фароғат Нормуродова, Ғофуржон Фаттоев, Ойдин Жўрабекова, Абрамат Ражабов, Рўзигул Ёрова сингари 1-, 3-,12-, 28-,36-,58- мактаб директорларининг ҳиссалари катта бўлмоқда.

**Аҳмад БОБОЕВ,**
**Сариосиё туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бошлиғи**

БУХОРО ШАҲРИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ ВА ПЕДАГОГИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

Серкуёш Ўзбекистон халқини улуғ байрам — Мустақилликнинг 23 йиллиги билан самимий қутлайди.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Реклама

Реклама

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАЛАРИ, ҲУНАРМАНДЛАРИ ВА МУСАВВИРЛАРИ "ҲУНАРМАНД" УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Бунёдкор Ўзбекистон халқини энг улуғ ва энг азиз байрамимиз



Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этади.



Мақсадимиз ота-боболаримиздан мерос қолган бой амалий санъат ва маданиятни келгуси авлодга бус-бутун етказиш, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанасини янада ривожлантириш орқали жонажон Ўзбекистонимизни янада гуллаб-яшнатишдир.

◉ Бизнинг шарҳ

# СУВ ОСТИДАГИ ШАҲАРЛАР

**глобал иқлим исиши оқибатида сув сатҳи кўтарилиб, кўплаб шаҳар-ороллар сув тубига чўкаётган бўлса, бир вақтлар ном-нишонсиз йўқолган айрим шаҳарлар сув тубидан юқорига кўтарилмоқда**



*Дунё миқёсида кузатилаётган иқлим ўзгариши океан ва денгизлар сатҳининг кўтарилишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, денгиз сатҳи йилига 3,2 миллиметрга кўтарилаётгани ҳам сўзга исбот бўла олади. Бу эса тоғ чўққиларидаги абадий музликларнинг эришини тезлаштираётир.*

Сўнгги 250 йил ичида курраи замин ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича 1,4 даражагача исиган. Гренландия ва Антарктикадаги музликларнинг юқори суръатда эриб бораётгани туфайли дунё океанлари сатҳи 1980 йиллардагига нисбатан 20 сантиметрга кўтарилган. Кузатувчиларнинг фикрича, 2050 йилга бориб ҳар бир америкалик йилига 27-50 кун давомида 35 даражадан юқори бўлган ҳароратда яшашга мажбур бўлади. 2100 йилда эса бундай ноқулай об-ҳаво 45 кундан 96 кунгача узайиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Яқин 15 йил ичида АҚШнинг шарқий соҳиллари ва Мексика кўрфазида айнан денгиз сатҳининг кўтарилиши, довул ва тўфонлар оқибатида 35 миллиард долларгача зиён кўрилиши айтилмоқда. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, Океан орти мамлакатида табиат катаклизмаси оқибатида 1 триллион 400 миллиардлик кўчмас мулклар вайронага айланиши мумкин.

Иқлим исиши нафақат АҚШ балки Россия ҳудудига ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳақида хавотирлар мавжуд. Мамлакат фавқулодда вазиятлар вазирлиги маълумотига кўра, XXI аср охирига келиб Арктикадаги ҳарорат 7 даражагача ошади. Океаншунослик соҳасида фаолият юритаётган олимларнинг бонг уришича, айнан иқлим исиши туфайли кўплаб шаҳар ва ороллар сувга ғарқ бўлаяпти. Тинч океанидаги Кирибати орол давлатининг қуруқлик майдони йил сайин қисқариб бормоқда. Унинг қарийб 115 минг нафар аҳолиси қўшни Тарава давлатига тегишли орол — “Нилуфар орол”га кўчиши тобора ойдинлашиб бораётир. Кирибати яқин-яқингача 32 та орол ва атоллага эга бўлган. Уларнинг айримлари сув остида қолган.

Мутахассислар яна бир муқобил лойиҳа устида иш олиб бораяпти. Кирибатиликлар, шунингдек, қўшни Фиджи мамлакатига ҳам кўчиб ўтишлари мумкин. Шунингдек, митти давлат шаҳар — Кирибати сузиб юрувчи шаҳарга айланиши мумкин. Улар Токиодаги “Шимузу корпорэйшн” қурилиш компанияси билан океанда сузиб юрувчи “Нилуфар орол”ни бунёд этиш борасида музокара олиб боришаяпти. Бу ерда 30 минг кишини сиғдира оладиган 800 метр баландликка эга осмонўпар бино, офис, фирма ва савдо дўконларини қуриш мўлжалланган. Бино остида мева ва сабзавотлар етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари майдони ҳам ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бундай мажмуани қуриш албатта осон эмас. Ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа қиймати 500 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши мумкин. Кирибатидаги барча орол ва атоллаларни қўшиб ҳисоблаганда унинг майдони замонавий Москва шаҳридан кичикроқ. Шуни таъкидлаш жоизки, бу кичик давлат шимолий, жанубий, ғарбий ва шарқий ярим шарларда жойлашган.

Яна бир сув тубидан жой оладиган ороллар рўйхатида Феникс ҳам бўлиб, 2002-2003 йилларда Эль-Ниньо оқимига дуч келган бу мўъжазгина архипелаг чор атрофини доимий равишда 17 даражалик илиқ сув ўраб туради. Орол иқлим ўзгариши синовларига дош бера олмади. 2006 йили Бразилияда биохилма-хиллик тўғрисидаги конвенция қабул қилингач, Феникс ороли расмий равишда қўриқхона мақомини олди. Орадан икки йил ўтиб, назорат остига олинган бу ҳудуд дунёдаги энг йирик денгиз қўриқхонаси дея эътироф этилди.

Айнан инсон фаолияти ва иқлим исиши оқибатида океанларга ҳам жиддий зарар етаётир. Феникс ороли қўриқхонаси ҳудудидан ташқари дунё харитасида яна кўплаб йирик ана шундай денгиз қўриқхоналари пайдо бўлса ажаб эмас.

Италиядаги Венеция шаҳри муаммоси ҳам жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солиб келаётир. Соҳил бўйидаги бу шаҳар аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида муҳофаза деворлари қурилган бўлса-да, хавф ҳамон бартараф этилгани йўқ. Шунга қарамай, доимий равишда сувга чўкиш арафасида турган бу шаҳарга миллионлаб сайёҳлар келиб кетмоқда. Денгиз сатҳининг бир метрга кўтарилишининг ўзигина афсонавий Венецияни ер юзидан йўқ бўлиб кетишига асос бўлади. 2008 йилда ҳам шаҳарда юз берган мисли кўрилмаган сув тошқинлари аҳолининг тинчини бузганди.

Маълумотларга қараганда, дунё океани 2 метрга кўтариладиган бўлса, Голландиянинг Амстердам шаҳри сув остида қолади. Нидерландия қироллигининг чорак қисми денгиз сатҳидан пастда жойлашганидан хабарингиз бор, албатта. Бунёд этилган катта-катта тўғонлар голландияликларни эҳтимолий сув тошқинидан муҳофаза қилишга қодирми? Бу борада олимлар ўз фикрларини билдиришга шошилмаяпти. Тахминий маълумотларга кўра, Амстердам яна 150 йилдан сўнг янги Атлантидага айланиши мумкин. Германиянинг Эльба дарёси бўйида жойлашган Гамбург шаҳри ҳам Шимолий денгиз сатҳи 2 ярим метрга кўтарилган тақдирда Кирибатига ўхшаб сув остида қолган шаҳарлар рўйхатидан ўрин олиши кутилмоқда. Тўғри, Нидерландиядаги каби бу ерда ҳам замонавий муҳофаза тизимлари ўрнатилган. Лекин у кутилганидек етарли самара бермайди. Калифорния штатидаги Лос-Анжелес шаҳри доимий қурғоқчиликни бошдан кечирмоқда. Тинч океани соҳилидаги бу шаҳар камида яна 2 асрдан сўнг қирғоққа яқинлашиб қолади. Сан-Франциско шаҳрини ҳам ана шундай аянчли тақдир кутаяпти. Хуллас, АҚШнинг Нью-Йорк, Янги Орлеан шаҳарлари ҳам ана шундай хавфли ҳудудларда жойлашган. Манила, Науру, Гуам шаҳарлари жойлашган денгиз сатҳи йилига ўртача 1 сантиметрдан кўтарилиб борилаётгани кузатилмоқда.

Табиатнинг мўъжизасини қаранг-ки, бир вақтлар ном-нишонсиз йўқолган айрим шаҳарлар яна сув тубидан юқорига кўтарилмоқда. Аргентинадаги курорт Вилла-Эпекуэн шаҳри Эпекуэн кўли соҳилида 1921 йили бунёд этилганди. Сувнинг шўрланиши даражаси океан сувидан ўн баробарга юқорироқ. Уни Исроилдаги машҳур Ўлик денгизи билан қиёслашади. Чучук сувнинг етишмаслиги туфайли сайёҳларнинг бу ердан оёғи узила бошлагандан сўнг, маҳаллий раҳбарлар бу ҳудудда янги сув омборини қуришга мажбур бўлди. 10 йил давом этган кучли ёғингарчиликлар оқибатида сув омбори бузилиб кетиб, шаҳар сув остида қолганди. 2000 йилдан бошлаб сув омбори сатҳи камайгандан сўнг, шаҳар яна эски қиёфасига қайта бошланди. Маҳаллий расмийлар “Руҳлар макони”га айланган бу шаҳарга сайёҳларни қайтариш учун барча кучларни сафарбар этмоқда.

Вилла Эпекуэнга ўхшаш яна бир ғаройибот хусусида тўхталсак. Ўрта ер денгизида Сувайш каналидан 35 километр узоқликда Миср археологлари эрамизгача 30 йилларда кўҳна Рим даврида сувга ғарқ бўлган шаҳарни топишга муваффақ бўлишган. Миср соҳилларида бундай топилмаларга кўп дуч келиш мумкин. Берлин музейида ўтказилган кўргазмада “Мисрнинг ғарқ бўлган хазиналари” экспонатлари тақдим этилди. Бермуд учбурчагида канадалик бир гуруҳ олимлар ҳам харобага айланган сув остидаги шаҳарга дуч келган. Кариб ҳавзасидаги бу археологик топилмани Мехикодаги ацтекларнинг Теотиукана шаҳарчасига ўхшатиш мумкин. Олимлар ушбу шаҳар бундан 10 минг йил олдин қурилган бўлиши мумкин, деган хулоса чиқаришган. Кубадаги океан соҳилида жойлашган Пинар-дель-Рио вилояти ҳам йиллар ўтиб сувга чўкиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар тарқатилмоқда.

Яқинда денгиз ва океан бўйларида жойлашган кучли сув тошқини ва цунамиларга дуч келиши мумкин бўлган шаҳарлар рўйхати тузилди. Хитойнинг Чжуцзян, Гонгконг, Макао, Гуанчжоу, Шанхай, Ҳиндистоннинг Калькутта, Мумбай, АҚШнинг Нью-Йорк, Нью-Жерси, Буюк Британиянинг Лондон, Россиянинг Санкт-Петербург каби шаҳарлари шулар сирасига киради. Борди-ю ҳарорат 3 даражагача илиса, Ер юзининг бир фоиз майдони сув остида қолиши муқаррар. Океан Санкт-Петербург, Венеция, Истанбул, Неаполь, Брюгге каби бутун дунёга донг таратган тарихий шаҳарларини ҳам аяб ўтирмайди. Хуллас, ЮНЕСКО томонидан Бутунжаҳон рўйхатига киритилган 136 та осори-атиқалар хавф остида турибди. Лондондаги Тауэр биноси, Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкали ҳам бундан мустасно эмас.



Шу йилнинг сентябрь ойида Маршалл ороллари пойтахти — Мажуро шаҳрида иқлим ўзгаришининг олдини олиш борасида имзоланган декларация БМТ бош котиби Пан Ги Мунга тақдим этилади. Унда айнан юқорида қайд этилган кўплаб маълумотлар ҳам ўз аксини топади. Зеро, инсоният токи иқлим ўзгариши борасида ўз позициясини ўзгартирмас экан, табиат ҳам бизни аяб ўтирмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

◉ Рангин дунё

# Корейс фольклори миллий музейи

*Жанубий Корея бетакрор табиати, иқлими ва диққатга сазовор жойлари билан дунёга машҳур. Бир неча минг йиллик тарихга эга давлат бугунги кунда ҳам нуфуз ва салобатини йўқотмаган. Мамлакат пойтахти Сеул бағридан жой олган муҳташам мажмуалар, ёғоч ҳамда тош ўймакорлиги, ўзига хос наққошлик услубида безатилган иншоотлар не-не жаҳонгашталар эътиборини тортмаган дейсиз.*





Корейс фольклори миллий музейи халқ ўтмиши ҳақида ҳикоя қилувчи ўхшаши йўқ маданий маскан бўлиб, Сеулдаги Кенбоккун саройида жойлашган. Музейнинг асосий вазифаси корейс халқига хос анъанавий ҳаёт тарзини ёш авлод ўртасида тарғиб қилишдан иборат. Расман 1945 йил иш бошлаган музей ҳозирги биносига 1993 йилда кўчиб ўтган. Ундан аввал ушбу сарой Корея миллий музейи тасарруфида эди. Бугунги кунда музей корейс халқининг ўрта аср бошларидаги ҳаётини тасвирловчи миниатюра ва қўғирчоқлар экспозициясидан иборат бир нечта зални ўз ичига олган. Жами бўлиб музейда 100 мингдан зиёд артефактлар сақланади.

Музей экспозицияларининг бирида қишлоқ ҳаёти, хусусан, мева-сабзавотларни қиш фасли учун тайёрлаш жараёни тасвирланган. Бундай масъулиятли вазифа асосан “аджума”ларга юклатилган. “Аджума” корейс тилидан таржима қилинганда “холажон” деган маънони билдиради. Холажонлар ўшанда сабзавотларни махсус идишларга солиб, қиш фаслида истеъмол қилиш учун тузлаб қўйишган. Ундан кейинги экспозицияда Кин Бокун қиролининг саройини кўриш мумкин. Бу ерда император кўп йиллар давомида нуфузли хорижий элчиларни қабул қилган. Бироқ, бизгача бу саройдан асар ҳам қолмаган. Музейда ушбу саройнинг нусхасинигина томоша қилиш мумкин.

Фольклор музей залларидан қўғирчоқлар учун алоҳида ўрин ажратилган. Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу ердаги қўғирчоқларнинг бари қўлда ясалган. Шунинг учунми қўғирчоқларнинг бири иккинчисини такрорламайди. Айниқса, анъанавий “Корея бозоридаги сабзавотлар”, “Дарёда кемаларда ўз молларини олиб кетаётган одамлар”, “Денгиз шунқорлари” деб номланган экспозицияларда корейс халқининг қадимий урф-одатлари ўз аксини топган.

Кейинги бўлимларда зиёратчилар эътиборига корейсча тўй маросими, зодагонларнинг дам олиш онлари тасвирланган экспонатлар ҳавола этилган. Маълумки, корейс халқи ўша даврларда ҳам табиат қўйнида дам олишни хуш кўрган. Бу мамлакатда тоғлар ҳамда қирлар саёҳатчиларни ҳар қадамда қарши олади. Ҳозирги кунда мана шундай тоғ ён-бағирларида саёҳатчиларнинг дам олишлари учун кўплаб чиройли, қулай ва шинам айвонлар қурилган.

Музейнинг яна бир залида шоли экиш ҳамда парвариш қилиш жараёни тасвирланган экспонатлар намойиш қилинади. Кореяда гуручдан турли хил таом, ширинлик ва ичимликлар тайёрлаш анъанаси ҳозир ҳам мавжуд. Мазкур экспозицияларда шу ва бошқа жараёнлар ўз ифодасини топган. Зал ўртасида томоша қилиш минораси бор бўлиб, бу ердан туриб музей манзарасини бошдан-оёқ кузатиш мумкин.

Бугунги кунда Корейс фольклори миллий музейи Сеул шаҳридаги энг оммабоп маданий масканлар сирасига киради. Ҳар йили музейга 1 миллиондан зиёд киши ташриф буюради. Корейс халқи ўз миллий тарихи ва маданиятига чуқур ҳурмат билан қараши сир эмас. Эҳтимол, шундан бўлса керак корейс халқининг неча минг йилик тарихга эга мероси мамлакат музейлари томонидан кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинмоқда.

**Зафар МУҲАММАД**

ЗАРБДОР ТУМАН
“ЕРМУЛККАДАСТР” ДК
жамоаси

Юртимиз
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
23 ЙИЛЛИГИ
билан самимий
қутлайди.

Кундан-кун чирой очиб
бораётган она Ватанимиз
гуллаб-яшнайверсин!



БАРЧАНГИЗГА БАЙРАМ МУБОРАК!

Реклама

БУХОРО ШАҲРИДАГИ ИРРИГАЦИЯ
ВА МЕЛИОРАЦИЯ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ
ЖАМОАСИ

юртдошларимизни қутлуғ шодиёна -

Мустақиллигимизнинг
23 йиллик

байрами билан муборакбод этади!

Баркамол фарзандларни вояга етказиш
йўлида ҳаракат қилаётган барча ватандошларимизга
омад тилаймиз. Юртимиз истиқболидан
бетакрор ва гўзал диёримиз нурларга тўлсин!



23 йил

Ҳафталик

## Тарих ва бугун жо бўлган масканлар

**янада файзли бўлади**

*Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Темурийлар тарихи давлат музейида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Музейлар ҳафталиги"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳафталик давомида аҳоли юртимиз музейлари билан янада яқиндан танишиш имконига эга бўлади. Айниқса, ёш авлодда миллий ва умуминсоний қадриятлар, бебаҳо тарихий ва маданий меросга ҳурмат, ғурур ва ифтихор, ватанга садоқат туйғуларини кучайтиришда ушбу ҳафталикнинг аҳамияти беқиёс, дейиш мумкин. Шунингдек, бу борада "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳам мазкур йўналишга алоҳида аҳамият қаратилган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам муҳим ўрин тутади.

Ҳозирда аҳолини музейлар билан яқиндан таништириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар татбиқ этилмоқда. Жумладан, бетакрор тарихий меросни халқимизга тўла етказиш, ёш авлодни халқимиз тарихи, маданияти билан ғурурланиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун зарур шарт-шароит яратилди. Музейларда юртимизнинг бой тарихи замонавий технологиялар асосида кенг тарғиб қилинмоқда. Ўтган давр мобайнида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётгани аҳолининг кенг қатламига экспозициялар орқали янада чуқурроқ очиб берилмоқда.

"Музейлар ҳафталиги" давомида республикамиздаги 41 та музейда жами 184 та маданий-маърифий тадбир, "Маҳорат дарслари", викториналар, учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, "Мустақиллик йилларида Андижон" каби кўргазмаларнинг очилиши, "Археологик буюмларни таъмирлаш", илмий-амалий семинарлар, янги экспозицияларнинг очилиши, шу билан бир қаторда, соҳа мутахассислари билан учрашув ва концерт дастурлари ташкил этилади.

Шунингдек, ҳафта давомида 30 та музейда иш вақти узайтирилиб, аҳолининг иш вақтидан кейин музейларга ташриф буюришларига имкон яратилади. Эслатиб ўтамиз, "Музейлар ҳафталиги" 8 сентябрга қадар давом этади.

**Ўз мухбиримиз**

Миллий қадриятларимиз

# Кўнгил таржимаси

***Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари "Ҳунарманд" уюшмаси Президентимизнинг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан ташкил этилган. Ҳозир мамлакатимизда мазкур уюшма аъзолари сони 21 минг нафардан ошди. Нуротада ҳам мазкур уюшманинг 44 нафар аъзоси бўлиб, улар ҳунармандчиликнинг 5 тури бўйича фаолият олиб боришмоқда.***



Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган қадим Нурота ўзининг тарихий обидалари, азиз авлиёлари, уста-ҳунармандлари, тоштарошлари, сеҳрли чашмаси ҳамда каштачилиги билан маълум ва машҳурдир. Бир вақтлар қизларнинг сепида қолиб кетган сўзана, қуроқ ҳамда кашталаримиз истиқлол туфайли миллий меросимиз, ўлмас қадрият ва анъаналаримиз қаторида қайтадан тикланди. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, қўл меҳнатига асосланган бу ҳунар турига хотин-қизларимиз катта қизиқиш билдириб, унинг янги қирраларини кашф эта бошлашди. Игна ва бигизда тикилган Нурота кашталарини хорижлик сайёҳлар ҳам харид қилишмоқда.

Қадимий анъаналарни давом эттирган ҳолда Нурота туманидаги ихтисослаштирилган санъат мактабида бугун ўғил-қизларимиз ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

— Момоларимиздан мерос бўлиб келаётган, бир-бирини такрорламайдиган каштачилик намуналарини гўзал асарларга қиёслаш мумкин, - дейди биз билан суҳбатда ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Наргиза Тоҳирова. — Улар ойлаб кўз нурларини бахшида қилган, сеҳрли бармоқлари ёрдамида тикилган сўзанаю кашталар бугун ўзининг чинакам баҳосини топаётгани кишини қувонтиради. Биз уйда ўтирган хотин-қизларни каштадўзликка жалб этиб, оиласига, маҳалла-кўйига нафи тегиши билан бирга, "устоз-шогирд" анъанасини давом эттиришини таъминлаяпмиз. Дастлаб, бўз матога маҳорат билан қўлда нақшлар чизилади. Биргина қалам, ақл-заковатлари, қўлларининг сеҳри, нозик диди ва назокатини ишга солиб нодир санъат асарларини дунёга келтиришади. Бу асарларга боқиб, кишининг кўзи қувнайди. Ипакларнинг табиий ранги, каштага битилган маъно ва гуллардаги ўзбекона жилолар барчани бирдек ўзига ром этади.

Нуротага қилган сафаримиз давомида кўплаб ана шундай нодир кашталарни кўрдик, уларнинг яратилиш жараёнини кузатиб, ҳайратландик. Қалби беғубор, орзулари осмон қадар юксак қизлар покиза туйғуларини кашталарга муҳрлаётганини кўриб, рости ҳавасимиз келди. Улар тикаётган кашталарни томоша қилиб, ўз кўнглини таржима қилаётган қизларимизнинг ўзбекона ҳаё, садоқат ва вафоси, бахтини сезгандек бўласиз. Шунданми, кашталаримизнинг қадри баланд, бебаҳо. Мамлакатимизга келадиган ҳар бир сайёҳ ана шу кашталар олдидан бефарқ ўтиб кета олмаслиги ҳам шундан.



Юртимизда узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолган соҳа Юртбошимизнинг қўллаб-қувватлашлари боис қайта тикланди. Қолаверса, миллий ҳунармандчилигимиз тобора қадр топиб, амалий натижаларга эришилди. Наргиза сингари нуроталик қизлар эса ўзбек каштачилик санъатини дунёга танитмоқда. Бундай маҳсулотларнинг бозори ҳатто хориж давлатларида ҳам чаққон. Улар ўз фаолияти давомида Нурота каштачилигининг баъзи турларини қайта тиклашга эришди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар бугун ҳам давом этмоқда.

— Мамлакатимизда ўтказилаётган турли кўргазма, кўрик-танлов, санъат фестиваллари ҳунармандларимизга ўз иқтидори ва қобилиятларини юзага чиқариши учун имкон яратмоқда. Негаки, айни шу тадбирларда биз нафақат ўз маҳсулотларимизни намойиш қилаяпмиз, балки ўзаро фикр алмашиб, ҳамкорлик алоқаларини ҳам мустаҳкамлашга эришяпмиз. Ўзбек ҳунармандлари қўлида жило топаётган маҳсулотлар ҳатто, жаҳон аҳлининг ҳайратини оширмоқда. Буларнинг бари, юртимизнинг тинч-осудалигидан, олиб борилаётган ислоҳотларнинг инсон манфаатлари учун хизмат қилаётганидан дарак беради, - дейди Н.Тоҳирова.

Бугун ўзбек миллий ҳунармандчилиги бебаҳо мерос сифатида янгича сайқал топиб, Наргиза ва унинг шогирдлари фаолияти воситасида давом этаверади. Бунинг учун юртимизда барча шароит ва қулайликлар мавжуд. Шулар ҳақида ўйларканмиз, қўли гул уста-ҳунармандларимиз юрт ва халқнинг қадри, шуҳрати ва обрўсини ўз меҳнати билан дунёга танитишига ишончимиз комил.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Чанқоқбосди мева

**Тарвуз эти қанд, оқсил, клетчатка, крахмал, каротин, В, В1, В2, РР ва В6 витаминлари, калий, магний, фосфор каби микроэлементларга бой. Мева этидаги сув 80 фоизни ташкил этгани боис, чанқоқни тез босади.**



Халқ табобатида тарвуз пешоб ҳайдовчи, иссиқ туширувчи ва чанқоқни қондирувчи кучли восита ҳамдир. Тарвуз таркибида фруктоза етарли миқдорда бўлганлиги учунми диабетиклар уни кўпроқ истеъмол қилиб туриши лозим. Чунки ушбу касалликка чалинган бемор организми фруктозани яхши қабул қилади. Клетчаткага тўйинган тарвуз ичаклар ҳаракатини ҳам қўзғатади. Айниқса, овқат ҳазмини яхшилаш, ортиқча холестеринни организмдан қувишда унга етадигани бўлмаса керак. Анемия, жигар, ўт пуфаги касалликлари, жумладан, буйрак ва қовуқ соҳасидаги касалликларнинг давоси ҳам тарвуз. Қолаверса, юрак қон-томир тизими, сурункали колит ва камқонликда ҳам тарвуз асқотади. Темир етишмаслиги туфайли бошланган камқонлик, сурункали қабзиятга чалинган беморлар 1-2,5 граммдан тарвуз этини кунига 4-5 маҳал ейиши лозим. Тарвуз уруғи эса қовуқ ва ўт пуфагида мавжуд тошлардан халос этади. Бунинг учун бир қисм янчилган тарвуз уруғи устига 1 стакан сув қўшиб, 45 дақиқа давомида қайнатилади. Совугач сузиб олинади ва кунига 0,5-1 стакандан 3 маҳал ичилади.

БИЛАСИЗМИ?

Дастлабки замонавий Олимпия ўйинлари 1896 йили Афина (Греция) шаҳрида ўтказилган бўлиб, узунликка сакраш мусобақасида америкалик Жеймс Конноли биринчи олтин медални қўлга киритган эди.

* * *

Илк бор троллейбус 1888 йили Лондон (Буюк Британия) кўчаларида пайдо бўлган ва унинг тезлиги соатига 10 километрдан ошмаган.

ТУРФА ОЛАМ

## Сув остидаги музей

**КАНКУН (МЕКСИКА) ШАҲРИ СОҲИЛЛАРИГА ТУТАШ КАРИБ ДЕНГИЗИ СУВЛАРИДА АНТИҚА ҲАЙКАЛЛАР МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ.**



Денгизнинг 10 метрлик тубида музей очиш ғояси ҳайкалтарош Жейсон Тэйлорга тегишли. Унинг айтишича, сўнгги йилларда урфга кириб бораётган денгиз туризми, хусусан, дайвинг ишқибозларининг ножўя хатти-ҳаракатлари натижасида сувости набототига жиддий зарар етган. Муаллиф сув остидаги ҳайкаллар ёрдамида ана шу муаммонинг ўзига хос ечимини топди. Тэйлор корал ва бошқа денгиз жонзотларини музей экспонатлари ортига яшириш орқали сайёҳлар нигоҳидан ҳимоя қилишни мақсад қилган. Сув остидаги музейга истаган киши ташриф буюриши мумкин. Сайёҳларга махсус тайёргарликка эга мутахассис ҳамроҳлик қилиб, ҳар бир экспонат тарихи ҳақида маълумот беради.

## Колизейда одамлар яшаган

**РИМЛИК АРХЕОЛОГЛАР ДУНЁ МЎЪЖИЗАЛАРИ СИРАСИГА КИРУВЧИ УШБУ ИНШООТ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТНИ ОШКОР ҚИЛИШДИ.**



Манбада келтирилишича, улкан ва қадимий майдон ҳудудида ўрта асрларга хос шаҳар қолдиқларининг борлиги аниқланган. Қазилма жойидан топилган идиш-товоқ, рўзғор буюмлари ва асбоб-анжомлар Колизейда ҳақиқатан ҳам одамлар истиқомат қилганини тасдиқлаб берди. Майдоннинг айнан шу қисмида ҳунармандлар устахонаси, дўконлар ва мол-ҳол учун мўлжалланган қўраларга ҳам дуч келинган. Мазкур янгилик археологлар Риккардо Сантанжели ҳамда Ром Тре бошчилигидаги талабалар гуруҳи томонидан кашф қилинди. Бундан ташқари, Колизей ҳудудидан жуда кўп сопол намуналари, бир қанча қорамол охурлари, шунингдек, маймун кўринишидаги ҳайкал топилган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Тадбир

***Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган "Миллий театримизнинг халқимиз бой маданий мероси, анъаналарини асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш борасида тутган ўрни" мавзусидаги матбуот анжуманида Миллий театр жамоаси, вазирлик мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

# Миллий театр

**халқимиз маънавиятига хизмат қилади**

Анжуманда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий театр санъатини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ёшларимизни истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш, уларнинг онгу шуурига Ватанни севиш, аждодларимизга муносиб ворис бўлишдек эзгу ғояларни сингдиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, юртимиздаги театрларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замон талаблари асосида жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Энг муҳими, уларнинг ижодий фаолияти юксалиб, турли мавзу ва жанрларда янгидан-янги саҳна асарлари яратилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 22 январдаги "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши эса театрларимиз, хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрининг фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим асос бўлди.

Бугунги кунда театрнинг қутлуғ санасини нишонлашга катта тайёргарлик кўриляпти. Театр қошидаги музей ҳам қайта ташкил қилиниб, унда театрнинг бир асрлик бой тарихи ўз аксини топган. Бу масканда таниқли санъаткорларнинг ижодий фаолияти ва ҳаётига оид ўлмас хотираларнинг гувоҳи бўласиз.

Маълумки, театр музейлари бошқа музейлардан фарқли ўлароқ, маданий-маърифий вазифани бажариш билан бирга уларда сақланаётган экспонатлар узоқ ўтмишга оид декорациялар, либослар, соч турмакларини тиклашга ёрдам беради. Фотосуратлар ва театр афишаларидан тикилиб турган саҳна усталари ўша давр руҳини кўрсатади. Шу билан бирга театр ҳаётига оид бошқа ҳужжатлар ҳам музейдан ўрин олади. Яратилаётган ҳужжатли кино асарида эса театрнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ҳақида ҳикоя қилинади.

— Айни пайтда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда китоб, фотоальбомлар тайёрланяптики, буларнинг барчаси Ўзбек Миллий академик драма театри юбилейини муносиб кутиб олишга қаратилган, - дейди "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Валижон Умаров. — Жумладан, театр жамоаси томонидан аҳолининг кенг қатлами иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қатор ижодий учрашувлар ўтказилди, спектакллар намойиш қилинди. Шунингдек, қутлуғ сана арафасида "Ўзбекистон театр санъати: тарихи, тараққиёти ва истиқболи" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

**Д.РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти томонидан 26.06.2012 йилда Отабоев Отабек Тоҳировичга берилган № BN 648281 рақамли диплом ва илова йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир ўринбосари:** Исмат ХУДОЁРОВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 927, Адади — 6413. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Зафар МУҲАММАД
**Навбатчи:** Умида УЗОҚОВА
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.50.
*ISSN 2010-7714*
1 2 3 4 5